

**РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“СУД БУХГАЛТЕРИЯСИ”
фанидан

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: Ғ.Д.Ташманов

Тошкент - 2012

Ўқув услубий мажмуа 5380100 «Юриспруденция» таълим соҳаси **“Суд бухгалтерия”** фани учун мўлжалланган.

Ўқув услубий мажмуа ишчи ўқув режаси, ўқув ва ишчи ўқув дастурига мувофик ишлаб чиқилди

Ўқув услубий мажмуа Криминалистика кафедрасининг 200__ йил «__» _____-сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди

Тузувчилар:

Ғ.Д.Ташманов — Тошкент давлат юридик институти “Криминалистика” кафедраси ўқитувчиси

КИРИШ

Республикамиз мустақиликка эришганидан кейин илгариги иқтисодий тузум ўрнига жаҳон стандартларига мос демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш модели танлаб олинди. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислохотларнинг қонуний-ҳуқуқий баъзасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Маълумки Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг қарор топтирилиши, кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келтирилиши барча жабҳада бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби борасида ҳам улкан ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар сони анча кенгайиб бораётганлиги интеграция жараёнларини чуқурлашаётганлиги бухгалтерия ҳисобини жаҳон андозаларига кўчиришни янада қаттиқроқ талаб қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча мутахассислар жумладан ҳисоб ва аудит мутахассисларнинг мавқеи ортади. Шу сабабли ушбу мутахассисликни тайёрлаш бир мунча яхшиланиши керак. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит ходимлари хўжаликни юритишга ёрдам кўрсатиши, турли хўжалик ҳолат ва муҳитларини тез ва бехато аниқлаб иш кўриши бозор вазиятлари ва улардаги йўналишларни тушуниб етиб бошқарув қарорларини қабул қилишда раҳбариятга пухта асосланган тавсияларни тақдим этишлари керак. Бойликлар талон-тарожи, мансабдорлик ва хўжалик жиноятларини суриштириш ва тергов қилишда иқтисодий фанлар жумладан махсус бухгалтерия ҳисоби билимлари қўлланилади. Махсус билимлар орасида суд-бухгалтерия муҳим ўринда туради. Экспертиза ишларининг мураккаблиги, уни ўтказишда махсус билимлар талаб қилинганлиги сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари мутахассис бухгалтерларга турли масалалар билан мурожат қилишади. Бухгалтер, аудиторлар тергов ходимлари топшириғига кўра ҳужжатли аудит ўтказди, тергов ишида иқтисодий масалаларни ечишда маслаҳатлар беришади, эксперт текшириш ўтказишда қатнашиб хулоса далолатнома тайёрлашлари мумкин. Тергов ва судда кўрилаётган ишларга далил сифатида хулоса далолатнома тайёрлаш билан биргаликда хўжаликка етказилган моддий зарарни аниқлаш ва камомадни ундириб олишда бухгалтерия экспертизасини аҳамияти ортиб боради.

Суд бухгалтерия фанини ўргатиш шундай ташкил этилиши лозимки ҳар бир талаба кенг имкониятларга эга бўлиши керак. Бундай вазифани ҳал этишда ўқув ишчи дастурининг аҳамияти каттадир.

Суд бухгалтерия фанини тўлиқ ўрганиш талабанинг тизимли ва доимий ўқув материаллар устида ишлаши, семинар ва амалий машғулотларини бажаришда фаол иштирок этишларига боғлиқдир.

Суд бухгалтерия фанини талабаларга ўргатишда маъруза, семинар ва амалий машғулот шаклларида фойдаланилади. Амалий машғулотларида талабалар мустақил ҳолда бухгалтерияга боғлиқ бўлган ҳужжатлар бўйича билим ва кўникмаларга эга бўладилар

Талабаларнинг билимини назорат шакллари: жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш тартибида олиб борилади.

«Суд бухгалтерия» фанини ўрганиш
бўйича мавзулар режаси

№	Мавзулар	Маъруза	Семинар
1	2	3	4
	8-семестр	10	18
1.	Суд бухгалтерия фанининг предмети ва вазифалари	1	1
2.	Ҳисоб юритиш жараёнининг умумий тавсифи	1	1
3.	Бухгалтерия баланси ва	1	2
4.	Пул воситаларининг валюта операциялари ҳисоби бухгалтерия ҳисоби.	1	2
5.	Моддий бойликлар, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишнинг хусусиятлари	2	2
6.	Ўзбекистон Республикасида молия-хўжалик назорати ва тафтиш ўтказишнинг ташкил қилиниши	1	2
7.	Инвентаризация ва тафтишнинг ўтказилиши	1	2
8.	Иқтисодчи мутахассисни тергов ҳамда суд ҳаракатларига жалб қилиш	0.5	2
9.	Тафтишни тайинлаш ва уни ўтказиш тактикаси	0.5	2
10.	Суд бухгалтерия экспертизаси	1	2
	Жами:	10	18

«СУД БУХГАЛТЕРИЯСИ»
фанининг

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент – 2010

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент давлат юридик институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ғ.Ташманов	Тошкент давлат юридик институти “Криминалистика” кафедраси ўқитувчиси
------------	--

Такризчилар:

Б.Ҳамдамов	Тошкент молия институти «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси мудири, и.ф.н.доцент
Ғ.Яхшибоев	Тошкент молия институти «Молия» кафедраси ўқитувчиси, и.ф.н.доцент

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент давлат юридик институтининг Илмий -
услубий кенгашида тавсия қилинган (20__ йил «__» _____ «__»-сонли баённома).
киритилди.

Кириш

“Суд бухгалтерияси” фани бўлажак ҳуқуқшунослар фаолиятида иқтисодий соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва исбот қилиш бўйича илмий асослантирилган усулларни қўллаш асосларини шакллантиради.

Ушбу фаннинг асосий вазифаси талабаларнинг бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани эгаллашлари ва таҳлилий мулоҳаза ёндашуви асосида нисбатан криминоген объектларни таниш ва баҳолашни, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларнинг ишлаб чиқариш-ҳўжалик ва молиявий фаолият субъектларини ўрганишлари, иқтисодиёт соҳасидаги жиноий фаолият салбий оқибатларини тахмин қилишлари, ҳужжатли ва фактик текширишнинг усули ва тактикасини белгилаш ҳамда иқтисодий жиноят ва молиявий суистеъмолликлар фактини аниқлашларин таъминлашдан иборат.

Талабалар қўйилган вазифаларни бухгалтерия ҳисоби ва унинг ҳимоя функциясини чуқур ўзлаштириб, шунингдек, бухгалтерия ҳисобида ўхшаш вазиятларда амалий фаолият касб этадиган ҳисоб ҳужжатлари ва ёзувлари билан мустақил ишлаш малакаси ва қобилиятини эгаллаб муваффақиятли ечишлари мумкин бўлади.

Семинар ва амалий машғулотларга тайёгарлик кўришда талабалар тавсия этилган адабиётларни, шунингдек кафедра фондидаги маъруза ва бошқа материалларни ўрганишлари зарур. Предметни ўзлаштиришда терговчининг жиноятларни аниқлаш ва фош этиш бўйича фаолиятига тақлид қилувчи касбий ўйинларга салмоқли ўрин ажратилади. Кўрсатилган вазифаларнинг бир қисми мустақил амалга оширилади.

Мазкур фан бухгалтерия билимларининг оддийгина мажмуи бўлиб қолмай, талабаларга омборхона, технологик, таъминот, маиший, кадрга оид ҳужжатларни иқтисодий жиноятларни аниқлаш мақсадида комплекс ўрганиш малакасини эгаллашга имкон беради.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

“Суд бухгалтерияси” фанини ўқитиш талабаларда суд муҳокамасини юритишда зарур бўлган махсус бухгалтерия билимини ҳосил қилиш, ҳисоб-китоб ҳужжатларини ўрганиш бўйича билимни шакллантириш мақсадларини кўзлайди.

Фаннинг асосий вазифаси талабаларга бухгалтерлик ҳужжатлари билан ишлаш тўғрисидаги зарурий билим бериш, мазкур билимни юридик амалиётда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қўллаш бўйича ижодий малакани шакллантиришдан иборат.

2. Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Ушбу ўқув фанини ўзлаштириш натижасида талаба:

-бухгалтерия ҳисобини юритиш асослари ҳақида; ҳисоб юритиш ҳужжатларида жиноий фаолиятни акс эттиришнинг тавсифи ҳақида; ҳисоб юритиш билан боғлиқ бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни; пул маблағлари тўғрисида тушунча; моддий бойликлар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ операциялар ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари; инвентаризация ва тафтиш ўтказишдаги ҳолатлар, молия вий назоратлар ҳақида **тасаввурга эга бўлиши:**

- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш; ҳисоб материалларини юридик амалиётда қўллаш; ҳисоб юритиш ҳужжатларида жиноят изларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш бўйича **назарий билимларга эга бўлиши;**

-тафтиш, суд бухгалтерияси экспертизаси тайинлаш ва уларнинг натижаларидан далил сифатида фойдаланиш бўйича; ҳисобни юритиш соҳасиги жиноий фаолиятни аниқлаш ва у ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш каби **амалий қўникмаларига эга бўлиши керак;**

3. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Суд бухгалтерияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида юзага келадиган иқтисодий, молиявий тусдаги масалаларни ҳал этишда қўлланиладиган махсус тадқиқот усуллари ва билимлари мажмуини ифодаладиган иқтисодий фанларнинг тармоғи ҳисобланади.

Илмий манфаатлар ва ҳал этиладиган масалалар доираси суд бухгалтериясини реал иқтисоднинг турли тармоқлари, шунингдек бир қатор ўқув фанлари – криминалистика, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи ҳамда процесси, иқтисодиёт назарияси, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоб ва ҳуқуқ, аудит ва олий математика билан боғлайди. Бу суд бухгалтериясида бошқа соҳаларда қўлланиладиган ёндашув ва усуллар кенг қўлланилишини изохлайди.

4. Фаннинг ҳажми ва мазмуни.

4.1. Фаннинг ҳажми.

№	Машғулоти тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Назарий	10	8
3	Семинар	18	8
4	Мустақил иш	16	8
5	Курс иши (лойиҳалаш)	-	-
6	Назоратлар	-	-

4.2. Назарий машғулотлар мавзулари мазмуни ва уларга ажратилган соат

№	Назарий машғулотлар мавзулари мазмуни	Ажратилган соат
	8 семестр	10
1	Суд бухгалтерияси фанининг предмети ва вазифалари. Махсус ўқув фани ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини тайёрлашда унинг аҳамияти. Суд бухгалтериясининг юридик фанлар билан ўзаро алоқаси: жиноят, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқ, жиноят ва фуқаролик процесси, криминалистика ва криминология. Маълумотнинг тўлиқ ва ишончли тизими билан ташқи ва ички фойдаланувчиларни таъминлаш ва	1

	шакллантириш, шунингдек, тезкор қарорларни қабул қилиш учун ҳисоб маълумотларидан фойдаланиш – бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади. Ишлаб чиқаришни бошқариш методлари ва асосларини ўзгартириш ва ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат тизимини такомиллаштиришда ва янгилашда уларнинг роли. Жамият ривожланишининг турли босқичларида хўжалик ҳисобининг мақсади ва вазифалари. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг аҳамияти. Аниқ маълумотлар ва уларнинг тергов ва суд фаолиятидаги роли. Ўзбекистон Республикаси жинойт-процессуал кодекси бўйича аниқ исботларни тўплаш ва гумон қилинаётганларнинг айбини аниқлашда тергов ва ўзга ҳаракатларни амалга оширишда ҳисоб маълумотларининг аҳамияти.	
2	Ҳисоб юритиш жараёнининг умумий тавсифи. Хўжалик ҳисоби тушунчаси ва турлари. Тезкор (оперетив-техник), статистик ва бухгалтерия ҳисоби. Давлат, жамоат ва шахсий мулк устидан назоратни амалга оширишда ҳисобга олишнинг аҳамияти. Статистик ҳисоб, хўжалик ҳисобида унинг ўрни ва хусусиятлари. Ихтимоий ходисаларнинг миқдорий тарафларини сифатли тавсифи билан ҳисобга олиб ҳисоблаш. Бухгалтерия ҳисоби, унинг тузилиши ва мазмуни. Бухгалтерия ҳисоби, унинг предмети ва амалга ошириш методи. Ўтказиш схемаси. Оддий ва мураккаб ўтказиш ва уларнинг аҳамияти. Муомалада бўладиган ва ҳисобот ведомостлари. Кундалик ёзувлар ва ҳисоботларда ҳатоларни тузатиш тартиби. Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва олиб бориш бўйича бош бухгалтернинг ҳукуқи ва мажбуриятлари. Ҳисоб маълумотларининг пул билан ифодаланиши. Фойда, таннаrx, ялпи маҳсулот, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши, корхона воситаларини ҳисобга олиб умумий кўрсатмаси. Ташкилотни тартибга солувчи ва бухгалтерия ҳисобини тўғри олиб бориш ва ва ҳисоботни тўғри тайёрлашда норматив ҳужжатлар. “Юриспруденция” йўналиши бўйича мутахассиснинг келажаkдаги амалий фаолиятида хўжалик ҳисоби тизими ва турларининг аҳамияти.	1
3	Бухгалтерия баланси ва ҳисоб варақлари. Бухгалтерия баланси унинг тузилиши ва мазмуни. Хўжалик юритувчи субъект ташкил этилгандан сўнг бухгалтерия балансини тузади ва уни юритишни ташкил этади. Балансда корхонанинг активи ва пассивининг таркиби ҳамда уларнинг мазмунини келтирилган. Балансни сохталаштириш усуллари ва унинг натижасида рўй берадиган оқибатлари. Бизнинг республикамызда нетто баланси қўлланилади. Баланс ва бухгалтерия янги ҳисоб варақларининг юритилиши ва синтетик, аналитик ҳисобварақларни қўллаш ўйича бўйича 21 сонли БХМС га мувофиқ амалий тавсиялар келтирилган. Хўжалик операциялари таъсири остида балансда рўй берадиган тўрт хил ўзгаришлар мавжуд. Биринчиси, шундай хўжалик муомалалири борки, улар балансининг фақат активига таъсир этади. Иккинчиси, шундай хўжалик муомалалари содир бўладики, улар балансининг фақат пассивига таъсир қилади. Учинчиси, шундай хўжалик муомалалари содир бўладики, улар балансининг активига ҳам, пассивига ҳам таъсир этиб, суммаларни кўпайтириб юборади. Тўртинчиси, шундай хўжалик муомалалари содир бўладики, улар балансининг активига ҳам, пассивига ҳам таъсир этиб, суммаларни камайитириб юборади.	1

4	Пул воситалари ва валюта операциялари ҳисоби. Банк муассаларидаги ҳисоб рақами бўйича нақд пул, нақд пулсиз операцияларни расмийлаштириш. Касса китобини юритиш, кассир ҳисоботини тузиш тартиби. Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ёзиш ва беришни расмийлаштириш. Иш ҳақини депонентлаштириш. Кассир олдига қўйилган талаблар ва унинг жавобгарлиги. Нақд пулсиз ҳисоб китобларни олиб боришда банк муассаларининг аҳамияти ва роли. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб ишларини расмийлаштиришда тузиладиган ҳужжатлар. Нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб китоблардан нотўғри фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳамма суиистеъмол ва камчиликлар. Бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистрларидаги ёзувларнинг асосли эканлиги касса ҳисоботига ва ҳисоб китоб журнаliga илова қилинган ҳужжатларга асосан аниқланади. Чет эл валютасида ҳисоб юритиш, уларнинг тавсифи. Бухгалтерия ҳисобини юритишда чет эл валюталарининг ҳисобга олиниши.	1
5	Моддий бойликлар, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисоби. Товар моддий бойликларнинг ҳисобини юритиш. Товар моддий бойликларни келиши ва чиқиши бўйича бухгалтерия операцияларни юритиш. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кетадиган харажатларни тўғри расмийлаштириш ва материалларни баҳолашда 4 сонли БХМСга мувофиқ амалга ошириш. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш бўйича операцияларни расмийлаштириш. Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсули бўлиб, тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисобот даври тугагандан сўнг аниқлаш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқарилгандан кейин сотиш харажатлари ва бошқа харажатлар расмийлаштирилиб маҳсулот баҳоланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилганидан сўнг бюджетга туловлар ва ажратмалар тўланади. Товарлар табиий камайишини ҳисобдан нотўғри чиқариш эвазига маблағларни ўғирлаш ҳақиқий ва норматив табиий камайиш орасидаги фарқдан фойдаланиш йўли орқали амалга оширилишини билиш зарур.	2
6	Ўзбекистон Республикасида молиявий-ҳўжалик назорат ва тафтиш ўтказишни таъминлаш. Молия-ҳўжалик назорат қилишда давлат органлари ва нодавлат органлари томонидан текшириш тушунчаси. Назоратни амалга оширишда текширув турлари: дастлабки, жорий, сўнгги, фактик, ҳужжатли. Нодавлат ташкилотлари текширувни ўтказишда асосан аудиторлик фаолияти шуғулланади. Ушбу фаолият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тартибга солиниб уларни лицензиялаш ва сертификациялаштиради. Тафтиш ўтказишда давлат назорат органларининг аҳамияти муҳимдир, улар ҳисоб палатаси, молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, марказий банк ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Ушбу органларнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари фаолият турлари бўйича фарқланади. Иқтисодий жиноятлар махсус тафтиш ўтказиш йўли билангина аниқланиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоблари бўйича тафтиш ўтказиш назорат тафтиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи турли хил субъектларга тааллуқли. Тафтиш ёрдамида ҳисоб ёзувларидаги ва ҳужжатларидаги қалбаки фактлар ва	1

	уларнинг айбдор шахслари аниқланади.	
7	Инвентаризация ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун аҳамияти. Инвентаризация тушунчаси ва турлари. Инвентаризация ўтказишнинг асосий босқичлари. Моддий бойликлар ва пул воситаларининг борлигини аниқлаш тартиби. Инвентаризация бу ҳужжатлардаги маблағлар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини уларнинг ҳақиқатда мавжудлигига тўғри келишини таъминлаш учун хизмат қиладиган бухгалтерия ҳисобининг усулидир. Тўла йўқлама қилиш беистисно барча хўжалик маблағларини ўз ичига олади. Қисман йўқлама қилиш хўжалик маблағларининг бирор-бир турини ўз ичига олади. Инвентаризация қилишда доимий ишчи комиссияларнинг тузилиши. Ушбу комиссияларнинг режа бўйича инвентаризация қилиш тартиби ва 19 сонли БХМС бўйича тартибга солинади. Тафтиш ўтказилиши суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан тайинланиб, ўтказиладиган тафтишнинг моҳияти ва ҳуқуқий тайинланиши. Тафтиш ёрдамида исботланиши керак бўлган ҳолатларни аниқлаш. Дастлабки, кўшимча ва такрор тафтиш тайинлашга асослар. Тафтиш ёрдамида ҳисоб ёзувларидаги ва ҳужжатларидаги қалбаки фактлар ва уларнинг айбдор шахслари аниқланади.	1
8	Иқтисодчи мутахассисни тергов ва суд ҳаракатларига жалб этиш. Мутахассис иқтисодчиларни тергов ва суд ҳаракатларига жалб қилиш, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланилиши. Мутахассис иштирокчиларнинг тафтишчи ва экспертдан фарқи. Мутахассис иқтисодчиларнинг тергов ва суд ҳаракатларидаги ўрни. Суд ҳаракатларида барча соҳа вакилларининг иштироки ва ўзига бириктирилган вазифаларнинг тафсилоти билан тиништириши, натижаларни эълон қилиши каби масалаларни амалга оширади. Тергов жараёнида ёки суд муҳокамасида бирор масалани ҳал қилишда аниқ жавоб ёки маълумот олиш мақсадида фан-техника, санъат ёки хунар соҳасида ишловчи малакали мутахассисларни жалиб қилишга, уларнинг шу масала юзасидан фикрини олишга тўғри келади. Ушбу мутахассисларга терговчи керакли саволларни ёзма равишда тақдим этади. Эксперт бухгалтер берилаган ҳамма саволларга ҳолисона ёндашиб ўз вазифасини бажаради. Ҳужжатларни текшириш ва олишни муваффақиятли ўтказиш учун терговчи ушбу ишларга тайёргарлик кўриш имконини берувчи баъзи маълумотлар билан мутахассис-бухгалтерни олдиндан билдириши мақсадга мувофиқдир. Терговчи мутахассис ёрдамида ҳужжатларни текширар экан, уларнинг маъмуни билан танишади, оператив маълумотга асосан корхонадаги иш вазиятини ўрганади.	0,5
9	Ҳужжатли тафтиш далил йиғиш усули сифатида. Тергов ҳаракатларини режалаштиришда терговчининг дасдлабки босқичлари. Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор, унинг мазмуни, моҳияти ва тузилиш тартиби. Тафтиш ўтказишга асос, тафтиш усуллари ва тактикалари. Терговчи томонидан тафтишчининг олдида қўйиладиган саволлар тўплами. Тафтиш ўтказиш қоидалари, ваколати, терговчига тақдим этадиган	0,5

	хужжатлари. Тафтишчининг якуний далолатномалари уларнинг тузилиши, терговчи томонидан куриб чиқиши тартиби. Терговчи тафтишчи сифатида жалб қилувчи молиявий давоат ва нодавлат назорат органлари.	
10	Суд бухгалтерия экспертизаси. Суд бухгалтерия экспертизасининг тушунчаси. Суд бухгалтерия экспертизаси турлари Суд иқтисод-режа экспертизаси тушунчаси. Молия-кредит экспертизаси тушунчаси. Иқтисод-статистика экспертизаси тушунчаси. Иқтисод-меҳнат экспертизаси тушунчаси. Ушбу экспертизалар томонидан ечиладиган саволлар. Суд бухгалтерия экспертизалар объектлари. Тафтишнинг суд бухгалтерия экспертизасидан фарқи. Ўзбекистон Республикасида суд бухгалтерия экспертизасини ташкил этилиши. Суд бухгалтерия экспертизасини тайинлашга асос ва уларни тайинлаш тактикаси. Эксперт иқтисодчиларнинг хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида хабар беришига асослар. Хулоса таркиби ва унинг мазмуни бўйича талаблар. Тергов ва суд орган ходимлари томонидан хулосани баҳолаш. Экспертиза ўтказиш ўзининг изчиллиги жиҳатидан дастлабки ва такрорий экспертизага бўлинади. Дастлабки экспертиза иш юзасидан биринчи навбатда ўтказилган экспертизадир. Такрорий экспертиза эса дастлабки экспертиза хулосалари билан келишилмайдаган ҳолда қайта тайин қилинади.	1
Жами		10

4.3. Семинар машғулотининг мазмуни

№	Семинар машғулоти мавзуси	Семинар машғулоти мақсади	Кутиладиган натижа	Ажратилган соат
8 семестр				
1	Суд бухгалтерияси фанининг предмети ва вазифалари	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида тушунчага эга бўлиши, мақсади ва вазифаларини, уларда йўл қўйиладиган хато ва камчиликларни аниқлаб топиш усулларини ўрганиш	1
2	Ҳисоб юритиш жараёнининг умумий тавсифи	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Ташкилотлар ҳисоб юритишда ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларини босқичма босқич ўрганиш ва бухгалтерия	1

			ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг моҳияти, мазмуни ва унда ифодаланадиган тамоғийишларни талқин қилиш	
3	Бухгалтерия баланси ва ҳисоб варақлари	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий қуникмаларини шакллантириш	Бухгалтерия балансини тузилишини, турларини, ундаги ноқонуний ҳаракатларни топиш усуллари, янги ҳисоб варақлар режасининг юрителиш қоидалари, афзалликлари	2
4	Пул воситалари ва валюта операциялари ҳисоби	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий қуникмаларини шакллантириш	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари, бухгалтерия ҳисобида нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг олиб борилиш тартиби, уларни ҳужжатларда расмийлаштирили ши	2
5	Моддий бойликлар, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисоби	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий қуникмаларини шакллантириш	Маҳсулот ишлиб чиқаришда материалларнинг ҳаракати, баҳоланиши, ва наҳланиши ва маҳсулотни сотилишидаги бухгалтерия ҳаракатларини олиб борилиши	2
6	Ўзбекистон Республикасида молия-ҳўжалик назорати ва тафтиш ўтказишни таъминлаш	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий	Молиявий хўжалик назоратининг аҳамияти унинг	2

		билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	турлари, иқтисодий жиноятни очишдаги бугунги кундаги ўрни, назорат қилувчи органларнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари, назоартни амалга ошириш тартиби	
7	Инвентаризация ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун аҳамияти	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Инвентаризация ўтказиш қоидалари ва миллий стандарт бўйича доими комиссия тузилиш тартиби ва аҳамияти, инвентаризация ўтказиш объектлари, турлари ва усуллари, тафтиш жараёнидаги инвентаризация ва унинг ҳужжатларда расмийлаштириш қоидалари	2
8	Иқтисодчи мутахассисни тергов ва суд ҳаракатларига жалб этиш	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Иқтисодчи мутахассисларини тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этиш сабаблари, жалб қилиш тартиби, уларнинг вазифалари ва иш олиб бориш тартиби.	2
9	Ҳужжатли тафтиш далил йиғиш усули сифатида	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Терговчи томонидан тафтиш тайинлаш қоидалари, тафтишчининг ваколати ва ҳуқуқлари, унинг олдида қўйиладиган саволлар, тафтиш	2

			ўтказиш тактикалари	
10	Суд бухгалтерия экспертизаси	Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича назарий билим ва амалий куникмаларини шакллантириш	Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш асослари, сабаблари, терговчининг қарорининг моҳияти, эксперт бухгалтернинг олдига қўйиладиган саволлар ва материаллар, эксперт бухгалтернинг хулосасини баҳоланиш тартиби.	2
	Жами			18

5. Мустақил ишлар мавзулари мазмуни ва уларга ажратилган соатлар

№	Мустақил таълим мавзуси	Мустақил таълим мазмуни	Мустақил таълим шакли	Мустақил таълим ҳажми	соат
1	Ҳисобдаги камчиликлар ва иқтисодий жиноятни аниқлаш.	Ҳисоб ва ҳисоботдаги суиистемолликлардан далолат берувчи камчиликлар хусусидаги билимларга эга булиш.	Реферат	15 бет	2

2	Хужжат маълумотларини тадбиқ қилиш усуллари	Хужжат маълумотларини ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш усулларини, турли ташкилий-ҳуқуқий мулк кўринишдаги корхона ларда ҳисоб ва ҳисоботларнинг ҳакконийлигини билиш методларини эгаллаш.	Реферат	15 бет	2
3	Бухгалтерия баланси ва унинг тузилиши.	Бухгалтерия балансининг аҳамияти ва тузилиши, уни сохталаштиришнинг оқибатларини билиш.	Реферат	15 бет	2
4	Ҳисоб жараёнида балансининг аҳамияти.	Корхоналарнинг молия ҳисоботи тўғрисидаги тушинчаларни ва уларнинг ҳўжалик ҳисоботи тизими билан боғлиқлигини ўрганиш талаб қилинади.	Реферат	15 бет	1
5	Бухгалтерлик ёзуви ҳисоблари. Икки ёклама ёзув усули.	Бухгалтерия ёзувининг турлари, мазмунини ва журналларда акс эттирилиши. Иқтисодий жиноят содир этилганда текширилиши.. Икки ёклама ёзув усули, ҳисоб вараклар, корреспонде нцияси, аҳамияти хусусидаги фикрларини эгаллаш. ҳисоб варакларда ифодаланганлиги, суиистемол хусусиятлари бўйича аниқлашни билиб олиш	Реферат	15 бет	1

6	Бухгалтерлик ҳисоби воситаларини ташкил қилиниши	Ташкилий-техник жиҳатини билиб олиш ва бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботининг ҳаққонийлиги, тўлиқ лигига жавобгар шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаш, ҳамда ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини ҳаққонийлигини ўрганиш усуллари эгаллаш.	Реферат	15 бет	1
7	Бухгалтерлик ҳужжатлари.	Ҳисоб ҳужжатлари ва уларни тавсифини билиш, сифатсиз ҳужжатларининг ҳосиятолари бўйича аниқлашни билиш ва улардан иқтисодий жиноятларини исботлашда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш.	Реферат	15 бет	1
8	Ассосий воситаларни ҳисобга олишдаги ҳужжатларига қараб суиистемолликларни аниқлаш методикаси.	Ҳисобга олиш, ҳисоб ҳужжатларидан фойдаланиб ассосий воситаларни ҳисобга олиш, тамойилини ҳамда ғаразли суиистемолликларни аниқлаш усули билан боғлиқ, шу каби шаклдаги ҳужжатнинг операцияларини ўрганиш.	Реферат	15 бет	2
9	Ўзбекистон Республикасида бухгалтерлик ҳисобини ислоҳ қилишнинг ассосий йўналишлари	Талабалар ҳисоб юрутиш жараёнининг умумий тавсифи, унинг вазифалари ва ундан амалиётдан фойдаланишни билишлари, бухгалтерия усуллари, элементларининг боғлиқлиги,	Реферат	15 бет	2

		ҳамда суд бухгалтерияси асосларини ўзлаштириши лозим бўлади.			
10	Пул маблағлари ҳисоби, қимматбаҳо қоғозлар ва ҳисоб китоб операциялари ҳисоби.	Ҳужжатлар бўйича суниестемолликларининг характерли белгиларини аниқлаш учун ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатлари билан ишлаш тажрибасини сингдириш, қимматбаҳо қоғозлар ва ҳисоб китоб операциялари, пул маблағлари ҳисоби, хусусиятлари ҳақидаги билимларини ўзлаштиришга эришиш.	Реферат	15 бет	2
	Жами				16

Талаба танлов асосида илмий мақола ва маъруза тезисларни тайёрлаши ҳам мумкин:

Изоҳ: Илмий журналларда чоп этилган 4 та мақола 16 соат. Соат (1 та мақола 4 соат).

Илмий конференция материалларида чоп этилган 6 та мақола 16 соат (1 та мақола 2,6 соат).

6. Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик, кадоскоп технологияларидан;
- ўтказиладиган амалий ва семинар машғулотларда фанни ўрганиш ўқитишнинг анъанавий ва илғор услубларини, жумладан, экспресс сўровлар, тест сўровлари, дастурий ўқитиш, муаммоли ўқитиш, давра суҳбати, бухгалтерия ҳужжатларининг наминалари, тарқатма материаллар, дебат, ечимлар дарахти, ақлий ҳужум, Сукрот саволлари, баҳс-мунозара, метакарта ва бошқа усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

7. Тақвим мавзуйи режа.

№	Мавзу	Ажратилган соат	Таълим шакли	Дарс тури	Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқлик	Таълим методлари	Таълим воситалари	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	Қўшимча адабиётлардан топшириқлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Суд бухгалтерияси фанининг предмети ва вазифалари	2	кундузги	Маъруза, семинар	Криминалистика жиноят процесси, криминология, бухгалтерия хисорби, аудит, иқтисодий таҳлил, молиявий ҳисоб, иқтисодий назария, молия, молиявий нозорат, прокурор назорати, суд статистика, банк ҳукуқи, банк иши, молия ҳукуқи	тест сўровлари, ақлий ҳужум, Давра суҳбати, гуруҳли фикрлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, Бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмалар, кассетлар, кассетлар, презентация, бухгалтерия ҳужжатларининг Намуналари, тарқатма материаллар, қонун ва меъёрий ҳужжатлар.	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча .: “ТДЮИ кичик босмаҳонаси”, 2010 А.Ортиқов “Судебная бухгалтерия” Дарслик русча - Т.: “ТДЮИ кичик босмаҳонаси”, 2007 Ғаниев Ш.В. Суд бухгалтерияси. ўқув қўлланма. - Т.: “ТДЮИ кичик босмаҳонаси”, 2008 Отахўжаев С., Алимова Р. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва уни ўтказиш масалалари. ўқув қўлланма. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2002	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш, савол жавобга

2	Хисоб юритиш жараёнининг умумий тавсифи	2	<i>қундузги</i>	<i>Маъруза, семинар</i>	Криминалистика, бухгалтерия хисорби, аудит, иктисодий таҳлил, молиявий ҳисоб, иктисодиёт назарияси, молия, молиявий нозорат, банк ҳуқуқи, банк иши, молия ҳуқуқи	тест сўровлари, ақлий ҳужум, Давра суҳбаги, гуруҳли фикрлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмали қуроллар, кадоскоп, презентация, бухгалтерия ҳужжатларининг Намуналари, тарқатма материаллар, қонун ва меъёрий ҳужжатлар..	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча .: “ТДЮИ кичик босмаҳонаси”, 2010 Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002 Хасанов Б., Хошимов А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2005 Ҳошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2004	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш, савол жавобга тайёрланиш.
---	--	---	-----------------	-------------------------	---	---	--	--	--

3	Бухгалтерия баланси ва ҳисоб варақлари	3	<i>қундузги</i>	<i>Маъруза, семинар</i>	Криминалистика. бухгалтерия ҳисоб, аудит, иқтисодий таҳлил, молиявий ҳисоб, иқтисодиёт назарияси, молия, молиявий нозорат, банк ҳуқуқи, банк иши, молия ҳуқуқи	тест сўровлари, ақлий ҳужум, Давра суҳбати, гуруҳли фикрлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, Бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмалар, қадоскоп, презентация, бухгалтерия ҳужжатларининг Намуналари, тарқатма материаллар, қонун ва меъёрий ҳужжатлар..	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча ..: “ТДЮИ кичик босмаҳонаси”, 2010 Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: 2002 Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: 2005 Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. Дарслик. -Т.:2002	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш, савол жавобга тайёрланиш ва унга доир масалалар
---	---	---	-----------------	-------------------------	---	---	--	---	--

4	Пул воситалари ва валюта операциялари ҳисоби	3	қўнғузги	Маъруза, семинар	Криминалистика жиноят процесси, криминалогия, бухгалтерия ҳисорби, аудит, иқтисодий таҳлил,	тест сўровлари, ақлий ҳужум, Давра суҳбати, гуруҳли фикрлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, Бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмалар куруллар, кадоскоп, презинтация, бухгалтерия ҳужжатларининг Намуналари, тарқатма материаллар, қонун ва меъёрий ҳужжатлар..	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча .: “ТДЮИ кичик босмаҳонаси”, 2010 А.Ортиқов “Судебная бухгалтерия” Дарслик русча - Т.: “ТДЮИ кичик босмаҳонаси”, 2007 Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002 Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан қанспект ёзиш, савол
---	--	---	----------	------------------	---	---	---	---	--

5	Моддий бойликлар, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисоби	4	қўндоқ	Маъруза, семинар	бухгалтерия ҳисоб, аудит, иқтисодий таҳлил, молиявий ҳисоб, иқтисодий назария, молия, молиявий назорат, банк ҳукуқи, банк иши, молия ҳукуқи	тест сўровлари, ақлий ҳужум, Давра суҳбати, гуруҳли фикрлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, Бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмали қуроллар, кадоскоп, презентация, бухгалтерия ҳужжатларини	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча .: “ТДЮИ кичик босмаҳонаси”, 2010 Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005 Акрамов Э.А., Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. ўқув қўлланма. - Т.: “Молия”, 2003 Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш,
---	--	---	--------	------------------	---	---	---	---	--

6	Ўзбекистон Республикасида молия-хўжалик назорати ва тафтиш ўтказишни таъминлаш	3	қундузги	Маъруза, семинар	Криминалистика бухгалтерия хисорби, аудит, иқтисодий таҳлил, молиявий ҳисоб, иқтисодий назария, молия, молиявий назорат, прокурор назорати, суд статистика, банк ҳуқуқи, банк иши, молия ҳуқуқи	тест сўровлари, ақлий ҳужум, Давра суҳбати, гуруҳли фикрлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, Бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмали қуроллар, кадоскоп, презинтация, бухгалтерия ҳужжатларининг Намуналари, тарқатма материаллар, қонун ва меъёрий ҳужжатлар..	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча .: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2010 А.Ваҳобов. Т.Маликов. “Молия: назарий масалалар” ўқув қўлланма Т: “Иқтисод - Молия” 2009 йил. А.Ортиқов “Судебная бухгалтерия” Дарслик русча - Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2007 Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. Дарслик. -Т.: “Шарқ”, 2001	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш, савол жавобга тайёрланиш .
---	--	---	----------	------------------	---	--	---	--	---

7	Инвентаризация ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун аҳамияти	3	қундузги	Маъруза, семинар	Криминалистика бухгалтерия ҳисорби, аудит, иқтисодий таҳлил, молиявий ҳисоб, иқтисодий назария, молия, молиявий нозорат, прокурор назорати, суд статистика, банк ҳуқуқи, банк тест сўровлари, ақлий хужум, Давра суҳбати, гуруҳли фикрлаш, хужжатлар билан ишлаш, Бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмали қуроллар, кадоскоп, презинтация, бухгалтерия хужжатларининг Намуналари, таркатма материаллар, қонун ва меъёрий хужжатлар..	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча .: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2010 А.Ортиқов “Судебная бухгалтерия” Дарслик русча - Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2007 Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005 Хамидуллина Г.Р. Судебно- бухгалтерская экспертиза. М.: Изд. «Экзамен», 2004.	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш, савол жавобга тайёрланиш ва унга доир масалалар
---	--	---	----------	------------------	--	---	---	--

8	Иқтисодчи мутахассисни тергов ва суд ҳаракатларига жалб этиш	2,5	қундузги	Маъруза, семинар	Криминалистика бухгалтерия ҳисорби, аудит, иқтисодий таҳлил, молиявий ҳисоб, иқтисодий назария, молия, молиявий нозорат, прокурор назорати, суд статистика, банк ҳукуки, банк	тест сўровлари, ақлий хужум, Давра суҳбати, гуруҳли фикрлаш, хужжатлар билан ишлаш, Бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмали қуроллар, кадоскоп, презентация, бухгалтерия хужжатлариниг Намуналари, тарқатма материаллар, қонун ва меъёрий хужжатлар..	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча .: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2010 А.Ортиқов “Судебная бухгалтерия” Дарслик русча - Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2007 А.Ваҳобов. Т.Маликов. “Молия: назарий масалалар” ўқув қўлланма Т: “Иқтисод - Молия” 2009 йил. Ғаниев Ш.В. Суд бухгалтерияси. ўқув қўлланма. - Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2008	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш, савол жавобга тайёрланиш ва иқтисодчи
---	--	-----	----------	------------------	---	---	--	---	--

9	Тафтиш тайинлаш ва уни ўтказишнинг моҳияти	2,5	қундузги	Маъруза, семинар, амалий машғулот	Криминалистика бухгалтерия ҳисорби, аудит, иқтисодий таҳлил, молиявий ҳисоб, иқтисодий назария, молия, молиявий нозорат, прокурор назорати, суд статистика, банк ҳукуки, банк	тест сўровлари, ақлий хужум, Давра суҳбати, гуруҳли фикрлаш, хужжатлар билан ишлаш, Бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Кўргазмали қуроллар, кадоскоп, презентация, бухгалтерия хужжатларининг Намуналари, тарқатма материаллар, қонун ва меъёрий хужжатлар..	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча .: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2010 А.Ортиқов “Судебная бухгалтерия” Дарслик русча - Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2007 А.Ваҳобов. Т.Маликов. “Молия: назарий масалалар” ўқув қўлланма Т: “Иқтисод - Молия” 2009 йил. Ғаниев Ш.В. Суд бухгалтерияси. ўқув қўлланма. - Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2008	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш, савол жавобга тайёрланиш ва тафтиш
---	--	-----	----------	-----------------------------------	---	---	---	---	---

10	Суд бухгалтерия экспертизаси	3	қундузги	Маъруза, семинар, амалий машғулот	Криминалистика бухгалтерия ҳисоб, аудит, иқтисодий таҳлил, молиявий ҳисоб, иқтисодий назария, молия, молиявий нозорат, прокурор	тест сўровлари, ақлий хужум, Давра суҳбати, гуруҳли фикрлаш, хужжатлар билан ишлаш, Бухгалтерия ҳисобига оид масалалар ечиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш.	Қўғазмалар қуроллар, кадоскоп, презинтация, бухгалтерия хужжатларининг Намуналари, тарқатма материаллар, қонун ва меъёрий хужжатлар..	А.Ортиқов Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси дарслик ўзбекча .: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2010 А.Ортиқов “Судебная бухгалтерия” Дарслик русча - Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2007 Д.Жолотова «Суд бухгалтерия экспертизаси» ўқув қўлланма Т:2005. Ғаниев Ш.В. Суд бухгалтерияси. ўқув қўлланма. - Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2008	Қушимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш, савол
----	------------------------------	---	----------	-----------------------------------	---	---	--	--	--

8. Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати.

Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 48 б.
18. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 48 б.
19. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 174 б.
20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
21. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
22. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
23. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

24. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

Асосий адабиётлар

1. А.Ортиқов, Ғ.Ташманов, С.Турсунов, “Суд бухгалтерияси” Дарслик -Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2010
1. Жалолова Д., Боқиева Х. Суд-бухгалтерия экспертизаси. Ўқув қўлланма. ТМИ “Иқтисод-молия”, 2005.
2. Ғаниев Ш.В. Суд бухгалтерияси. ўқув қўлланма. -Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2008
3. А.Ваҳобов. Т.Маликов. “Молия: назарий масалалар” ўқув қўлланма Т: “Иқтисод -Молия” 2009 йил.
4. Ваҳобов А.В. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2005
5. Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002
6. Хасанов Б., Хошимов А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2005
7. А.Ортиқов “Судебная бухгалтерия” Дарслик русча -Т.: “ТДЮИ кичик босмахонаси”, 2007
8. Хасанов Б.А., Алибоев З.А., Зокирова М.Ш. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. Дарслик. -Т.: “Фан”, 2003
9. Ҳошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
10. Акрамов Э.А., Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. ўқув қўлланма. - Т.: “Молия”, 2003
11. Отахўжаев С., Алимова Р. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва уни ўтказиш масалалари. ўқув қўлланма. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2002
12. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005
13. Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005
14. Ғозибеков Д. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. ўқув қўлланма. - Т.: “Фан ва технология”, 2004
15. Ғ.Яхшибоев, Ғ.Ташманов Суд бухгалтерия фанидан мустақил таълим бўйича услубий қўлланма – Т.: ТДЮИ, 2008.
16. Хамидуллина Г.Р. Судебно-бухгалтерская экспертиза. М.: Изд. «Экзамен», 2004.
17. Абдуллаев А., Қаюмов И. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.: “Минҳож”, 2002
18. Абдуллаев Ё., Ғаниев Ш.В. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлар асосида ташкил этишнинг айрим масалалари. Методик қўлланма. --Т.: “Фан ва технология”, 2005
19. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002

20. Ваҳобов А.В. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2005

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008. 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. – Т.: Адолат, 2008
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси. – Т.: Адолат, 2009
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. – Т.: Адолат, 2010
5. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни – Т.: Халқ сўзи, 12 сентябр 1996й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. “Солиқ ва божхона хабарлари”, 2000 й. 3 июнь.
7. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун. –Т.: 1997

Қўшимча адабиётлар

1. Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. Дарслик. -Т.: “Шарқ”, 2001
2. Пардаев А. Бошқарув ҳисоби. Рисола. -Т.: “Академия”, 2002
3. Ибрагимов А.К., Қўзиев И.Н. Счётлар режасини ўрганиш бўйича методик қўлланма. -Т.: “Молия”, 2004
4. Бухгалтерский и налоговый учет организации. Учеб. пособие. тесты. -М. «Финансы и статистика». 2005 г.
5. Козлова Е.П. Бабченко Т.Н. Корреспонденция счетов бухгалтерского учета. –М. «Финансы и статистика». 2003 г.
6. Лабораторный практикум по бухгалтерскому учету. Часть 1-2. -М. «Финансы и статистика». 2004 г.
7. Ковалев В.В. Учет, анализ и бюджетирование лизинговых операций. -М. «Финансы и статистика». 2005 г.
8. Климова. М.А. Бухгалтерское дело. Учебное пособие. -М. 2004 г.
9. Куттер М.И. Теория бухгалтерского учета. –М. «Финансы и статистика». 2004 г.
10. Астахов В.П. Теория бухгалтерского учета. –М. «МАРТ-Т». 2004 г.
11. Солиқ туловчининг журнали. 1999-2004. йй.
12. Солиқ ва божхона хабарлари. 1998-2004 йй.

Электрон таълим ресурслари

1. www.frei.org - Financial Executives Institute (FEI)
2. www.mythbreakers.com/ima - Institute of Management Accountants (IMA)
3. www.sma-canada.org - Society of Management Accountants (SMA)
4. www.cima.org.uk - The Chartered Institute of Management Accountants (CIMA)
5. www.rutgers.edu/accounting/raw/aaa/aaamas - American Accounting Association Management Accounting Section (MAS)

9. Дидактик воситалар

- видео ва аудио техникалар;
- компьютер ва мультимедиа воситалар ва бошқа электрон-дидактик технологиялар.
- кадоскоп
- бухгалтерия хужжатлари наминалари ва иарқатма материаллар.

10. Баҳолаш мезонлари

Семестрлар бўйича билимни назорат қилиш турлари

<i>Семестр</i>	<i>Назорат тури</i>	<i>%</i>	<i>Максимал балл (100%)</i>	<i>Ўттиш бали (55%)</i>
8 семестр	1-жорий	10	10	5,5
	2-жорий	10	10	5,5
	3-жорий	10	10	5,5
	4-жорий (муст. таъл.)	10	10	5,5
	Жами:	40	40	22
	1-оралиқ	15	15	8,25
	2-оралиқ	15	15	8,25
	Жами:	30	30	16,5
	Якуний	30	30	16,5

Талаба билимини баҳолаш

қониқарсиз		қониқарли		яхши		аъло	
балл		балл		балл		балл	
min	max	Min	max	min	max	min	max
0	54	55	70	71	85	86	100

1-Мавзу. Суд бухгалтерия фанининг предмети ва вазифалари

Маъруза – 1 соат

семинар – 2 соат

Мақсадга йўналиш:

Талабалар Суд бухгалтерия фанининг предмети, вазифалари ҳамда бухгалтерия методлари элементларининг боғлиқлигини ва суд бухгалтерияси асосларини ўзлаштиришлари лозим.

Маъруза режаси:

1. Суд бухгалтерия ҳақида тушунча. Суд бухгалтерияси фанининг предмети ва объектлари.
2. Статистик ва тезкор (оператив) ҳисоблар ва бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш усуллари.
3. Суд бухгалтериясининг аҳамияти ва зурурлиги.

1-Машғулот.

семинар – 2 соат

Семинар режаси:

1. Суд бухгалтерияси тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Суд бухгалтерияси фанининг мақсади ва вазифалари.
3. Суд бухгалтерияси фанининг предмети, объектлари ва методлари.

Мавзуга оид қисқачи қоида, тушунча, атамалар:

1. **Суд бухгалтерияси шундай фан бўлиб**, унинг мазмуни тергов ва суд фаолиятида бухгалтерия ҳисобини тадбиқ этилишига доир назарий ва амалий масалаларни текшириш ва ўрганиш.
2. **Суд бухгалтериясининг мақсад ва вазифалари** суд-бухгал-терия экспертизасини самарали ўтказишнинг амалий заруриятларидан, уни тўғри ташкил этиш, эксперт текширишнинг илмий асосланган усуллари кўллаш шартларидан келиб чиқади.
3. **Суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети** - аниқ жиноий ва фуқаролик ишларининг ҳақиқий вазиятлари ҳисобланади.
4. **Бухгалтерия ҳисоби** - ҳўжалик маблағлари ва маблағ манбаларини доимий, узлуксиз ва ялписига умулаштириш ва бошқариш усули.
5. **Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун** - ҳўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини қонун ҳужжатлари асосида юритиш тартиби. Ўзбекистонда 1996 йил 30 августда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни, ташкил этилиш тамойиллари ва вазифалари келтирилган.

6. Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакллари - бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ташкилий шакллари мавжуд: бош бухгалтер раҳбарлигида мустақил равишда бухгалтерия ишини четдан жалб қилинган мутахассис орқали олиб бориш, бухгалтерия ишини юқори ташкилотда юритиш, бухгалтерия ишини корхона раҳбари томонидан юритилиши.

7. Бухгалтерия ҳисоботи (молиявий ҳисобот) - ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятини сон ва сифат жиҳатдан умумлаштириш. Молиявий ҳисобот корхонанинг ҳисоб сиёсати талаблари асосида тузилади ва тақдим этилади.

Назорат саволлари:

1. Махсус билимлар орасида Суд бухгалтерия фанини урни кандай ва уни асосланг?
2. Суд бухгалтерия фанининг предмети кандай ходисаларни уз ичига олади?
3. Суд бухгалтерия фанининг максади нима?
4. Суд бухгалтерия фанининг кандай вазифалари мавжуд?
5. Суд бухгалтериясини кандай усуллари мавжуд?
6. Суд бухгалтериясини медоти ва методик усуллари деганда нимани тушунаси?
7. Суд бухгалтериясининг методик усуллари нималардан иборат?
8. Суд бухгалтерия фанининг предмети нима?
9. Суд бухгалтериясини объектларини санаб утинг?
10. Суд бухгалтерия сини ташкилий шакллари кандай?
11. Бухгалтерия ҳисоби деганда нимани тушунаси?
12. Бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети нима?
13. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари ва субъектлари?
14. Бухгалтерия ҳисобининг кандай усуллари мавжуд?

Мавзу юзасидан тест саволлари:

Бухгалтерия ҳисобининг қандай амалга ошириш усуллари мавжуд:

- A) Хужжатлаштириш, иккиёқлама ёзув, ҳисоб варақлар
- B) Хужжатлаштириш, иккиёқлама ёзув, узлуксизлик, аниқлик
- C) Инвентаризация, баҳолаш, калькуляция, баланс, ҳисобот
- D) A ва B(Тўғри жавоб)

Калькуляция нима:

- A) Махсулот бирлигининг таннархини аниқлаш(Тўғри жавоб)
- B) Махсулотни баҳолиш
- C) Мол мулкларни қайта баҳолаш
- D) Махсулотнинг сотиш нархини аниқлаш

Бухгалтерия ҳисоби нима:

- A) Корхонанинг фаолиятини ялпи, узлуксиз ва хужжатларга асосан юртиш(Тўғри жавоб)
- B) Корхона тўғрисида тўлиқ ва ишонарли маълумот тўплаш
- C) Корхонинг мол мулкларини ҳисобга олиш
- D) Корхона мол-мулки ва мажбуриятланри тўғрисида маълумотларни гурухлаштириш ва пула баҳолаш

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади нима:

- A) Тўлиқ ва ишонарли ахборотларни шакллантириш (Тўғри жавоб)
- B) Корхонанинг фаолиятини ялпи, узлуксиз ва хужжатларга асосан юртиш
- C) Корхона мол-мулки ва мажбуриятланри тўғрисида маълумотларни гурухлаштириш ва пула баҳолаш
- D) Корхонанинг фаолиятидаги маълумотларни хужжатлаштириш

Суд бухгалтерияси фанининг объекти нима:

- A) Бухгалтерия хужжатлари(тўғри жавоб)
- B) Тафтиш далолатномалари
- C) Суд қарори
- D) Прокурор ва терговчининг қарорлари

Суд бухгалтерияси фанининг субъекти нима:

- A) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар(тўғри жавоб)
- B) Корхона бухгалтерияси
- C) Корхона раҳбари
- D) Моддий жавобгар шахслар

Суд бухгалтерияси фанининг предмети деб нимага айтлади:

- A) Иқтисодий операцияларни амалга оширишда меъёрий ҳуқуқий хужжатларга риоя қилмаган ҳолатига айтилади(тўғри жавоб)
- B) Корхона мол-мулки ва мажбуриятланри тўғрисида маълумотларни гурухлаштириш ва пула баҳолаш
- C) Корхона тўғрисида тўлиқ ва ишонарли маълумот тўплаш
- D) Корхонинг мол мулкларини ҳисобга олиш



Суд бухгалтерияси фанининг мақсади нима:

- A) Низоли ҳолатларни тиклаш ва келгусида такрорланмаслик учун иқтисодий изланишлар олиб бориш (тўғри жавоб)
- B) Иқтисодий операцияларни амалга оширишда меъёрий ҳуқуқий хужжатларга риоя қилмаган ҳолатига айтилади
- C) Корхона мол-мулки ва мажбуриятланри тўғрисида маълумотларни гурухлаштириш ва пула баҳолаш
- D) Корхона тўғрисида тўлиқ ва ишонарли маълумот тўплаш

Ҳисоб деганда нимани тушунасиз:

- A) Ташкилотда ишловчиларни билиш
- B) Хўжалик молиявий фаолияти натижаларини аниқлаш(Тўғри жавоб)
- C) Хўжаликдаги мажбурий солиқларни аниқлаш
- D) Ташкилотдаги жисмоний шахсларнинг солиғини аниқлаш

Схемалар:



Суд бухгалтерияси фанинг

предмети - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва текшириш объекти бўлган корхоналарнинг пул ифодасида акс эттириладиган хўжалик маблағлари ва шу маблағлар манбалари, уларнинг хўжалик фаолияти ва молиявий натижаларининг ҳаракатида белгиланган ҳуқуқий меъёрларга риоя қилмаган ҳолатига айтилади.

объекти - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан текширишида корхоналарнинг пул ифодасида акс эттириладиган хўжалик маблағлари ва шу маблағлар манбалари, уларнинг хўжалик фаолияти ва молиявий натижаларининг ҳаракатини белгилаб берадиган, иқтисодий операцияларда иштирок этадиган ҳуқуқий ҳужжатларга айтилади.

субъекти - корхоналарнинг молиявий ва хўжалик ҳисобининг ҳаракатини бўйича юз берадиган иқтисодий жинойтлар ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат қилувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидир.

мақсади – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар объекти бўлган хўжалик фаолиятидаги низоли ҳолатларни тиклаш ва келгусида такрорланмаслик учун огохлантириш мақсада иқтисодий изланишлар олиб боришидир.

вазифалари:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантиришини;
- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия маълумотларини умумлаштиришини;
- молиявий, солиққа тортишга доир ва бошқа ҳисоботларини тўғри тузлишини белгиланган меърий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини ўрганади
- бухгалтерия маълумотларидан далил сифатида оқилона фойдаланиш.



Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.—Т.: «Ўзбекистон». 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуни. 1996 йил 12 сентябр
3. А.Артиков “Судебная бухгалтерия”. Учебник: ТГЮИ 2007 г.
4. Ш. Ғаниев, И.Убайдуллаев, Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ , 2007.
5. А.Ортиков, Ғ.Ташманов, С.Турсунов Суд бухгалтерияси. Дарслик; Т.;ТДЮИ, 2010 йил 2-сентябр

Қўшимча адабиётлар

1. Дўстмуратов Д., Бухгалтерия ҳисоби назарияси. —Т.: Дарслик. “Янги йўл полиграф сервис”. 2007.
2. Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002
3. Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005

2-Мавзу: Ҳисоб юритиш жараёнининг умумий тавсифи

Маъруза – 1 соат
семинар – 2 соат

Мақсадга йўналиш:

Талабалар ҳўжалик ҳисоби, унинг вазифалари ва ундан амалиётда фойдаланишни билишлари, бухгалтерия усуллари элементларининг боғлиқлиги ҳамда суд бухгалтерияси асосларини ўзлаштиришлари лозим

Маъруза режаси:

1. Ўзбекистон Республикаси молиявий (бухгалтерия) ҳисобини меъёрий тартибга солиш.
2. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари.

1-Машғулот.

семинар – 2 соат

Семинар режаси:

1. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солишда меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Бухгалтерия ҳисобида ички бошқариш турлари.
3. Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари.

Мавзуга оид қисқачи қоида, тушунча, атамалар:

Ҳисоб сиёсати – мавжуд ҳуқуқий меъёрлар асосида қўйилган мақсадларга эришишнинг шакли ва усуллари акс эттирувчи ҳамда назоратини таъминловчи ҳужжатлар мажмуаси ва уларга амал қилишлик.

Бюджет - мамлакатнинг устувор вазифаларини амалга оширишга мўлжалланган даромадларнинг шаклланиши ва йўналишлар бўйича тақсимланишини амалга оширадиган давлат тузилмаси. Давлат бюджети Республика бюджети ва маҳаллий бюджетга бўлинади.

Бюджет даромадлари — бюджетга келиб тушган пул маблағлари. Бюджет даромадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил қилади.

Бюджет харажатлари - мамлакатнинг устувор йўналишлари бўйича бюджет даромадларининг тақсимланиши.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари - ҳўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб сиёсатини юритишга қўйилган талабларнинг мажмуаси. Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобининг 21 миллий стандартлари қабул қилинган.

Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакллари - бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ташкилий шакллари мавжуд: бош бухгалтер

рахбарлигида мустақил равишда бухгалтерия ишини четдан жалб қилинган мутахассис орқали олиб бориш, бухгалтерия ишини юқори ташкилотда юритиш, бухгалтерия ишини корхона раҳбари томонидан юритилиши.

Тамойил — бухгалтерия ҳисобининг асоси, бошланғич негизи, кейинги барча тасдиқлар ундан келиб чиқади.

Назорат саволлари:

1. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувси меъёрий ҳужжатлар нималардан иборат?
2. Бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун қачон қабул қиланган?
3. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини санаб утинг?
4. 21-сонли БХМС қандай номланган ва у қачондан қучга қирган?
5. Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари?
6. Бухгалтерия ҳисобида икки ёқлама ёзув усули қандай усул?

Мавзу юзасидан тест саволлари:

Икки ёқлама ёзув усули нима:

- А) Бир вақтнинг ўзида бир хил сўмма иккита ҳисобварақда акс этиши (Тўғри жавоб)
- В) Бир вақтнинг ўзида иккита ҳисобварақда акс этиши
- С) Баланснинг актив ва пассивда сўммани акс этиши
- Д) Актив ва пассивда бир хил суммани акс этиши

Инвентаризация нима:

- А) Бухгалтерия ҳужжатлари билан ҳақиқатда мавжуд моддий қийматликларни таққослаш
- В) Корхона раҳбари томонидан берилган ҳужжатларга мувофиқ таққослаш
- С) Моддий жавобгар шахснинг ҳужжатлари билан таққослаш
- Д) Давлат органларининг маълумотлари бўйича таққослаш

Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари нечта:

- А) 8 та
- В) 9 та
- С) 10 та
- Д) 12 та (тўғри жавоб)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини қайси орган ишлаб чиқади

- А) Адлия вазирлиги
- В) Солиқ Қўмитаси
- С) Вазирлар маҳкамаси
- Д) Молия вазирлиги

Бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш нечта босқичда амалга оширилади

- A) 4 та (тўғри жавоб)
- B) 2 та
- C) 5 та
- D) 3 та

Тезкор ҳисоб ҳужжатларига қандай ҳужжатлар киради:

- A) Баланс, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот
- B) Факс, телефон ва оғзаки тарзда бериладиган қатъий аҳамиятга эга бўлмаган ҳужжатлар
- C) Корхона ҳисоботи
- D) Статистика ҳисоботи

Статистик ҳисоб деб нимага айтилади:

- A) Хўжалик ҳаётнинг ижтимоий маълумотларини ўзида акс этувчи ҳужжатлар тўплами
- B) Молиявий маълумотларни ўзида акс этувчи ҳужжатлар тўплами
- C) Баланс, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот
- D) Корхонанинг иолиявий ҳисоботи


Бухгалтерия ҳисоб счётлари нечига бўлинади.

- A) Маблағларни ва жараёнларни акс эттирувчи счётларга (Тўғри жавоб)
- B) Ижарага олинган маблағларни акс эттирувчи счётларга
- C) Қарзга олинган товарларни акс эттирувчи счётларга
- D) Тўғри жавоб йўқ

Ҳисоб деганда нимани тушунасиш:

- E) Ташкилотда ишловчиларни билиш
- F) Хўжалик молиявий фаолияти натижаларини аниқлаш(Тўғри жавоб)
- G) Хўжаликдаги мажбурий солиқларни аниқлаш
- H) Ташкилотдаги жисмоний шахсларнинг солиғини аниқлаш

Схемалар:



Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС).

ЎзР 0-сонли БҲМС "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос".

ЎзР 1-сонли БҲМС "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот".

ЎзР 2-сонли БҲМС "Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар".

ЎзР 3-сонли БҲМС "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот".

ЎзР 4-сонли БҲМС "Товар-моддий захиралар".

ЎзР 5-сонли БҲМС "Асосий воситалар".

ЎзР 6-сонли БҲМС "Ижара ҳисоби".

ЎзР 7-сонли БҲМС "Номоддий активлар".

ЎзР 8-сонли БҲМС "Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўба хўжалик жамиятларида сармояларни ҳисобга олиш".

ЎзР 9-сонли БҲМС "Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот".

ЎзР 10-сонли БҲМС "Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар".

ЎзР 11-сонли БҲМС "Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар".

ЎзР 12-сонли БҲМС "Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш".

ЎзР 14-сонли БҲМС «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот».

ЎзР 15-сонли БҲМС "Бухгалтерия баланси".

ЎзР 16-сонли БҲМС "Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятнинг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари".

ЎзР 17-сонли БҲМС "Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари".

ЎзР 19-сонли БҲМС "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш".

ЎзР 20-сонли БҲМС "Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида".

ЎзР 21-сонли БҲМС "Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқномаси".

ЎзР 22-сонли БҲМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш».

Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари

бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш;

бухгалтерия ҳисобининг уз луксизлиги;

хўжалик операциялари, активлар ва пасивларнинг пулда баҳоланиши;

аниқлик (ахборотнинг ишончилиги);

ҳисоблаш;

олдиндан кўра билиш (оқилоналик, тадбиркорлик, эҳтиёткорлик);

мазмуннинг шаклдан устунлиги;

корхона фаолиятининг давом этаётганлиги;

кўсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;

молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;

ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;

активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.—Т.: «Ўзбекистон». 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуни. 1996 йил 12 сентябр
3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.
4. Ш. Ғаниев, И.Убайдуллаев, Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2007.
5. А.Ортиқов, Ғ.Ташманов, С.Турсунов Суд бухгалтерияси. Дарслик; Т.;ТДЮИ, 2010 йил 2-сентябр

Қўшимча адабиётлар

1. Останакулов М., Бюджет ҳисоби. Дарслик.—Т.: “Талқин” 2008.
2. Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002
3. Останакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005
4. Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005

3-Мавзу: Бухгалтерия баланси ва ҳисоб варақлари.

Маъруза – 1 соат
семинар – 2 соат

Мақсадга йўналиш:

Балансининг аҳамияти ва тузилиши, унинг сохталаштиришнинг оқибатларини билиш, корхоналарнинг молия ҳисоботи тўғрисидаги тушунчаларни ва уларни ҳўжалик ҳисоби тизими билан боғлиқлигини ўрганиш

Маъруза режаси:

1. Бухгалтерия баланси унинг тузилиши ва мазмуни. Актив ва пассивнинг мазмуни.
2. Ҳўжалик операцияларининг таъсири остида балансда рўй берадиган ўзгаришлар.
3. Балансни сохталаштиришнинг усуллари ва уларнинг оқибатлари.
4. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва унинг тузилиши.

1-Машғулот.

семинар – 2 соат

Семинар режаси:

1. Бухгалтерия баланси тўғрисида тушунча ва унинг тузилиши.
2. Бухгалтерия баланси мазмуни ва ундаги ўзгаришлар.
3. Актив ва Пассивнинг мазмуни
4. Бухгалтерия ҳисоб варақларининг моҳияти ва бухгалтерияда юритилиши.

Мавзуга оид қисқачи қоида, тушунча, атамалар:

Бухгалтерия ҳисоботи (молиявий ҳисобот) - ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятини сон ва сифат жиҳатдан умумлаштириш. Молиявий ҳисобот корхонанинг ҳисоб сиёсати талаблари асосида тузилади ва тақдим этилади.

Бухгалтерия баланси – корхона маблағлари ва манбаларининг маълум муддатда пулдаги ифодаланиши. Балансда корхона активлари, уларнинг манбалари ва мажбуриятлари турлари бўйича ифодаланган бўлади.

Балансининг ликвидлиги — корхона активларининг мажбуриятларидан ошиши ёки корхонанинг тўлов қобилияти даражасини ифодаловчи кўрсаткич.

Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси — бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида қўлланиладиган счётлар тизими. Бухгалтерия счётлари маълум тартибда «Счётлар режаси»да мужассамлашган бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби счётларида иккиёқлама ёзув — ҳар бир ҳўжалик жараёнининг (операциясининг) бир счётнинг дебетиди ва иккинчи счётнинг кредитиди бир хил суммада акс эттирилиши. Хўжалик операциялари счётларда иккиёқлама ёзув орқали назорат қилиб борилади.

Узоқмуддатли активлар - фойдали ишлатиш муддати бир йилдан ортиқ бўлган мол-мулк киради. Фойдали ишлатиш муддати — унинг мобайнида мол-мулкдан фойдаланиш корхонага даромад ёки иқтисодий фойда келтирадиган давр.

Жорий активлар - бир йилдан камроқ муддатда фойдаланиш учун мўлжалланган мол-мулк киради, ундан бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ фойдаланилади, у ўз қийматини бутунлай ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар нархиға ўтказилади.

Қўшимча капитал эмиссия даромадларидан иборат, бу даромад акцияларни қўшимча равишда чиқариш ва уларни номиналдан ортиқча нархда сотишдан пайдо бўлади.

Резерв капитали қонунчилик ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ соф фойдадан ажратмалар йўли билан барпо этилади.

Тақсимланмаган фойда - корхона фаолиятининг мусбат (ижобий) молиявий фаолияти, у даромадлар харажатлардан ошиб кетганда пайдо бўлади.

Назорат саволлари:

1. Бухгалтерия баланси деганда нимани тушунасиз?
2. Бухгалтерия баланси нечта бўлимдан иборат?
3. Бухгалтерия балансида канлай ўзгаришлар руй беради?
4. Актив ва пасивнинг моҳияти нима ва унинг таърифини келтиринг?
5. Бухгалтерия ҳисоб варақлари деганда нималарни тушунасиз?
6. Бухгалтерия ҳисоб варақлари тузилиши?
7. Бухгалтерия ҳисоб варақларида кандай ўзгаришлар бўлиши мумкин?
8. Актив ҳисоб варагининг моҳияти?
9. Пасив ҳисоб варагининг моҳияти?
10. Контриактив ҳисобварағи кандай қўлланилади?
11. Контирпасив ҳисоб варақлари маъноси ва қўлланилиши?
12. Транзит ҳисоб варағи нима ва ундан кандай ҳолларда фойдаланилади?

Мавзу юзасидан тест саволлари:

Бухгалтерия баланси нима:

- А) Корхона тўғрисида маълумот
- Б) Корхонани мол-мулкнинг таркиби
- С) Корхонанинг қарздарлигини ифодалайди

D) Корхона мол-мулки ва мажбуриятлари тўғрисида маълумотларни гурухлаштириш ва пула баҳолаш (Тўғри жавоб)

Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари нечта:

- E) 8 та
- F) 9 та
- G) 10 та
- H) 12 та (тўғри жавоб)

Корхонанинг баланси нечта бўлимдан иборат:

- A) 4 та (тўғри жавоб)
- B) 3 та
- C) 5 та
- D) 6 та

Балансининг актив томони бўлимларини аниқланг:

- A) Мажбуриятлар ва устав капитали
- B) Узоқ муддатли ва жорий активлар (тўғри жавоб)
- C) Уз баблаглар манбаалари ва жорий активлар
- D) Узоқ муддатли активлар ва мажбуриятлар

Балансининг пасив томонининг бўлимларини аниқланг:

- A) Мажбуриятлар ва ўз баблаглар манбаалари (тўғри жавоб)
- B) Узоқ муддатли ва жорий активлар
- C) Уз баблаглар манбаалари ва жорий активлар
- D) Узоқ муддатли активлар ва мажбуриятлар

Узоқ муддатли активларга нималар киради.

- A) Асосий воситалар, капитал қўйилмалар
- B) Номоддий активлар, молиявий қўйилмалар
- C) Узов муддатли дебиторлик қарзлари
- D) Юқоридагиларни барчаси киради

Узоқ муддатли активлар деб нимага айтилади.

- A) Бир йилдан ортиқ хизмат кўрсатувчи активлар (тўғри жавоб)
- B) Бир ойдан ортиқ хизмат кўрсатувчи активлар
- C) Беш йилдан ортиқ хизмат кўрсатувчи активлар
- D) Бир йилгача хизмат кўрсатувчи активлар

Жорий активлар деб нимага айтилади.

- A) Бир йилдан ортиқ хизмат кўрсатувчи активлар
- B) Бир ойдан ортиқ хизмат кўрсатувчи активлар
- C) Беш йилдан ортиқ хизмат кўрсатувчи активлар
- D) Бир йилгача хизмат кўрсатувчи активлар (тўғри жавоб)

Жорий активларга нималар киради.

- A) Материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш,
- B) Тайёр маҳсулотлар, пул маблаглари
- C) Қисқа муддатли дебиторлик қарзлари

D) Юқоридагиларни барчаси киради

Ўз маблағлар манбааларига маналар киради:

A) Асосий воситалар, захира капитали, молиявий қўйилмалар,

B) Устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали,
таксимланмаган фойда, мақсадли тушумлар

C) Устав капитали, захира капитали, мажбуриятлар, пул м
аблағлари

D) Устав капитали, қўшилган капитал, капитал қўйилмалар

Мажбуриятларга нималар киради:

A) Банк кредитлари, корхоналардан қарзи, ишчи ва бюджетдан
қарзи

B) Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари

C) Устав капитали, захира капитали, мажбуриятлар, пул м аблағлари

D) Юқоридагиларни барчаси киради

Бухгалтерия балансида нечта ўзгаришлар мавжуд:

A) 2 та

B) 3 та

C) 4 та

D) 5 та

Бухгалтерия балансининг қандай турлари мавжуд:


A) Даврий, йиллик, кириш, йиғма баланслар

B) Консолидацияланган, тугатиш баланслар

C) Нетто ва брутто баланслар

D) Юқоридагиларни барчаси

Схемалар:



ПАССИВ

Ўз маблағлар манбаи

*Устав капитали
Кушимча капитал
Резерв капитали
Тақсимланмаган фойда
Резервлар
Мақсадли тушумлар*

Мажбуриятлар

*Банк кредитлари
Юридик ёки жисмоний
шахслардан олинган
заёмлар ёки ссудалар
Муддати узайтирилган
мажбуриятлар
Кредиторлик қарзи
Ижтимоий сугурта
идораларидан қарз*

Активлар = Мажбуриятл + Хусусий капитал


Хусусий
капитал

=

Активлар

+

Мажбурият-
лар



МИСОЛ: Бухгалтерия балансига таъсири бўйича барча хўжалик операцияларини тўртта турга бўлиш мумкин.

Буни мисолда кўриб чиқамиз. Айтайлик, ҳисобот даврининг бошланишида корхона баланси (қисқартарилган) куйдаги мазмунда эди.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	120 000
Ишлаб чиқариш захиралари	42 400	Тақсимланмаган фойда	30 000
Касса	100	Мол етказиб берувчилардан қарз	15 200
Ҳисоб-китоб варағи	35 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Биринчи турдаги операциялар мол-мулк таркибида ўзгаришларга олиб келади. Бунда баланс валютаси ўзгармайди.

Биринчи операция. Корхона кассасига банкдаги ҳисоб-китоб варағидан пул — 10 минг сўм олинган. Бу операция активнинг иккинчи бўлимида жойлашган "Касса" ва "Ҳисоб-китоб варағи" сингари баланс моддаларига таъсир этади. Яъни кассадаги пуллар қолдиғи 10 минг сўмга кўпаяди, ҳисоб-китоб варағидаги пуллар қолдиғи эса ана шу суммага камаяди, яъни баланс активининг ичида мол-мулк ўзгариши юз берди ва умуман олганда баланс суммаси ўзгармади.

Биринчи операциядан кейин баланс куйидаги кўринишни олади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	120 000
Ишлаб чиқариш захиралари	42 400	Тақсимланмаган фойда	30 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчилардан қарз	15 200
Ҳисоб-китоб варағи	25 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Иккинчи турдаги операциялари корхона мол-мулкини шакллантириш манбаларининг таркибида ўзгаришларга олиб келади, яъни фақат баланс пассивига таъсир этади. Ушбу ҳолда баланс валютаси ўзгармайди.

Иккинчи операция. Корхона муассислари йиғилишининг қарори бўйича тақсимланмаган фойда қисми 15 минг сўм сумма сўмда устав капиталига қўшилади. Мазкур хўжалик операцияси "Тақсимланмаган фойда" ва "Устав капитали" сингари пассив моддаларига таъсир этади. Ушбу операциядан кейин тақсимланмаган фойда 15 минг сўмга камаяди, устав капитали эса ана шу суммага кўпаяди, яъни баланс пассиви ичида суммаларнинг кўчирилиши юз беради ва умуман олганда баланс суммаси ўзгармайди.

Иккинчи операциядан кейин баланс куйидаги кўринишни олади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма,	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	135 000
Ишлаб чиқариш захиралари	42 400	Тақсимланмаган фойда	15 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчилардан қарз	15 200
Ҳисоб-китоб варағи	25 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Учинчи турдаги операциялар мол-мулкнинг таркиби ва мол-мулк манбаларининг таркибини ўзгартиради, айти вақтда уларни кўпайтиради. Бунинг устига баланс суммаси актив бўйича ва пассив бўйича тенг суммага ошади.

Учинчи операция. Етказиб берувчилардан 20 минг сўмлик материаллар олинди. Ҳисоб-китоб ҳали қилинмаган. Ушбу хўжаяик операцияси "Ишлаб чиқариш захиралари" актив моддасига ва "Мол етказиб берувчиларга қарз" пассив моддасига таъсир этади.

Ушбу операциядан кейин корхонадаги ишлаб чиқариш захиралари кўпаяди ва айти вақтда корхонанинг мол етказиб берувчилардан қарзи кўпаяди, чунки ҳали уларга пул ўтказилмаган.

Баланс суммаси актив бўйича ҳам, пассив бўйича ҳам 20 минг сўмга кўпайди.

Учинчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишни олади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	135 000
Ишлаб чиқариш захиралари	62 400	Тақсимланмаган фойда	15 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчилардан қарз	35 200
Ҳисоб-китоб варағи	25 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	198 000	Баланс	198 000

Тўртинчи турдаги операциялар мол-мулкнинг таркиби ва манбаларнинг таркибини ўзгартиради, айти вақтда уларни камайтиради. Бунинг устига баланс суммаси актив бўйича ва пассив бўйича тенг миқдорга камайтди.

Тўртинчи операция. Ҳисоб-китоб варағидан етказиб берувчилардан олинган материаллар учун 20 минг сўм ўтказилди. Ушбу хўжалик операцияси "Ҳисоб-китоб варағи" актив моддасига ва "Мол етказиб берувчилардан қарз" пассив моддасига таъсир этади.

Ушбу операциядан кейин пуллар ҳисоб-китоб варағида 20 минг сўмга камаяди ва айти вақтда корхонанинг етказиб берувчилардан қарзи 20 минг сўмга камаяди.

Баланс суммаси актив ва пассив бўйича 20 минг сўмга камаяди.

Тўртинчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишни олади.

Актив	Пассив
-------	--------

Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	135 000
Ишлаб чиқариш захиралари	62400	Тақсимланмаган фойда	15000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчилардан қарз	15200
Ҳисоб-китоб варағи	5500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Корхонада қандай операция юз бермасин, уни юқорида кўрсатилган тўртта операция туридан бирига киритиш мумкин.

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.—Т.: «Ўзбекистон». 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги“ Қонуни. 1996 йил 12 сентябр
3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.
4. Ш. Ғаниев, И.Убайдуллаев, Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2007.
5. А.Ортиқов, Ғ.Ташманов, С.Турсунов Суд бухгалтерияси. Дарслик; Т.;ТДЮИ, 2010 йил

Қўшимча адабиётлар

1. Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: “Молия”, 2002
2. Д. Жалолова, Х. Боқиева “Суд-бухгалтерия экспертизаси”. Ўқув қўлланма.— Т.: “Иқтисод молия”. 2005.
3. Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005

4 -Мавзу : Пул воситалари ва валюта операциялари ҳисоби.

Маъруза – 1 соат

Семинар – 2 соат

Мақсадга йўналиш:

Ҳисоб ҳужжатлари ва уларни тавсифини билиш, сифатсиз ҳужжатларнинг хосиятлари бўйича аниқлашни билиш ва улардан жиноятни исботлашда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш

Маъруза режаси:

1. Кассадаги нақд пуллар ҳисоби.
2. Ҳисоб-китоб варағи бўйича ҳисоб тартиби.
3. Валюта ҳисоб варағи бўйича операцияларни ҳисобга олиш тартиби ва банкдаги бошқа ҳисобварақлар бўйича операциялар ҳисоби.

1-Машғулот.

семинар – 4 соат

Семинар режаси:

1. Пул маблағлари ва пул эквивалентлари тавсифи.
2. Касса китобини юритиш ва унинг текшириш усуллари.
3. Нақд ва нақд пулсиз ҳисоб китобларни юритиш ҳужжатлари
4. Валюта ҳисоб варағи бўйича операцияларни ҳисобга олиш.

Мавзуга оид қисқачи қоида, тушунча, атамалар:

Валюта — мамлакат пул бирлиги. Ўзбекистон валютаси сўмни ташкил этади. Муомалада хорижий валюталар ҳам фойдаланилади.

Валюта операциялари - корхоналарда халқаро валюталар орқали амалга ошириладиган операциялар.

Инвестиция — хўжалик юритувчи субъект фаолиятига четдан моддий ва молиявий ресурсларнинг жалб этилиши.

Валюта бойликлари — корхонанинг хорижий валюталар-даги пул активлари ва пасивларидир

Валюта курси — бошқа миллий ёки халқаро валюталар-нинг сўмда ифодаланган нархи. У аукционлар, биржалар, бан-клараро бозорда талаб ва таклиф асосида, тижорат банклари ва бошқа юридик шахслар ва фуқаролар томонидан валюта олди-сотдиси пайтида, яъни ички валюта бозорида шаклланади.

Инвестицион қиймат — белгиланган ёки берилган инвестициялаш мақсадларида аниқ инвестор ёки инвесторлар гуруҳи учун мол мулк қиймати.

Ушбу субъектив тушунча муайян мол-мулк объектининг инвестициялашга нисбатан аниқ мақсадлар ва/ёки мезонларга эга бўлган инвестор, инвесторлар гуруҳи ёки ташкилот билан ўзаро муносабатларни аниқлайди.

Инвестиция фаолияти – пул эквивалентларига киритилмаган узок муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва сотиш.

Пул оқимлари – пул маблағлари ҳамда улар эквивалентларининг оқими (тушуми) ва чиқими (сарфланиши, чиқиши)дан иборат.

Пул эквивалентлари – маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли бироз хатари бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қўйилмалар).

Пул маблағлари – кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинадиган депозитлар, шунингдек банкнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақларидаги маблағлар.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот - ҳисобот даврида пул маблағи оқимларини батафсил кўрсатувчи кўрсаткичлар йиғиндиси.

Реализация (сотиш) қиймати – номоддий активларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган сумма.

Назорат саволлари:

1. Пул воситалари ва унинг эквивалентлари деганда нима тушунилади?
2. Нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб китоб қандай амалга оширилади?
3. Касса нима?
4. Касса ҳисоботини тухушда қандай ҳужжатлар иштирок этади?
5. Кассада бухгалтерия ҳужжатларини санаб утинг?
6. Касса қирим ва чиқим ордерлари нимага асосан тулдирилади?
7. Чек дафтарчасини очилиши ва у қандай тутилади?
8. Чек дафтарчисига жавобгар шахс қим?

Мавзу юзасидан тест саволлари:

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот қайси ЎЗР Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида ҳисобга олинади:

- А) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти – 4
- В) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти – 9(Тўғри жавоб)
- С) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти – 13
- Д) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти – 18

Кассада ойлик ва маош учун олиб келинган нақд пуллар қанча муддат сақланади.

- А) 3 кун
- В) 4 кун
- С) 1 ой
- Д) 3 ой

Қандай холларда корхонанинг кассасида нақд пуллар сақланади:

- A) Банкнинг рўхсати билан
- B) Рахбарнинг рўхсати билан
- C) Юқори органларнинг рўхсати билан
- D) Давлат органарининг рўхсати билан

Кассир нималарга жавобгар:

A) Кассадаги мавжуд моддий қийматликга эга бойликлар ва нақд пул воситаларининг сақланишига

- B) Касса хужжатларига
- C) Кассадаги жихозларга
- D) Нақд пул воситаларининг сақланишига

Нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг турлари

- A) Тулов топшириқномаси, тулов талабномаси, чеклар
- B) Тулов талабнома топшириқномаси, аккредитив
- C) Инкассо топшириқномаси, векселлар, мемориал ордер
- D) Юқоридагиларни барчаси тўғри

Инкасса топшириқномасини қандай ташкилотлар қўйиши

мумкин

- A) Кредитор корхоналар
- B) Дебитор корхоналар
- C) Солиқ органи, божхона ва бошқа суд органлари
- D) Солиқ органи, корхона ва ташкилотлар

Тасдиқловчи хужжатларга қуйидагилардан қайси бири киради:

- A) Тулов топшириқномалари, ишончнома
- B) Қайднома, далолатнома(Тўғри жавоб)
- C) Ведомость,
- D) Тулов ведомости

Фармойиш хужжатларига қайсилар киради:

- A) Қайдномалар, лимит забор картаси
- B) Тўлов топшириқнома, ишончнома(Тўғри жавоб)
- C) Юк хати
- D) Тўлов ведомости маълумотномалари


Қуйидагилардан қайси бири жамловчи хужжатларга киради:

- A) Тўлов талабномаси, чеклар
- B) Касса ордерлари(Тўғри жавоб)
- C) Тўлов ведомости
- D) Тўлов топшириқнома


Бухгалтерия хужжатлари тайинланиши бўйича қайси турларга бўлинади:

- A) Фармойиш, аралаш, бирламчи, йигма
- B) Фармойиш, тасдиқловчи, бухгалтерия расмийлаштириш(Тўғри жавоб)
- C) Тайёрлов ишлари
- D) Тўлов талабномаси, чеклар

Схемалар:




Ҳисоб-китобларнинг акцепт шакли




Аккредитив-харидор банкининг етказиб берувчининг бошқа шаҳардаги банкка юклаб жўнатилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун харидорнинг аккредитив аризасида кўзда тутилган шартларда ҳисобварақлар (тўловномалар)-га тўлашни амалга ошириш топшириғи.

АККРЕДИТИВЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР



ЧЕКЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР



Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.—Т.: «Ўзбекистон». 2009 й.
2. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.
3. А.Артиков “Судебная бухгалтерия”. Учебник: ТГЮИ 2007 г.
4. Ш. Ғаниев, И.Убайдуллаев, Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2007.
5. А.Ортиқов, Ғ.Ташманов, С.Турсунов Суд бухгалтерияси. Дарслик; Т.:ТДЮИ, 2010 йил

Қўшимча адабиётлар

1. Останакулов М., Бюджет ҳисоби. Дарслик.—Т.: “Талқин” 2008.
2. Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002
3. Д. Жалолова, Х. Боқиева “Суд-бухгалтерия экспертизаси”. Ўқув қўлланма.— Т.: “Иқтисод молия”. 2005.
4. Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005

5-Мавзу: . Моддий бойликлар, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисоби

Маъруза – 2 соат

Семинар – 2соат

Мақсадга йўналиш:

Материаллар ҳисоби, ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жўнатиш хусусиятлари ҳақида билим кўникмаларини ҳосил қилиш.

Маъгуза режаси

1. Материаллар ҳақида тушунча, уларни тавсифлаш ва баҳолаш.
2. Материаллар ҳаракати билан боғлиқ операцияларни ҳужжатлаштириш.
3. Тайёр маҳсулотни омборга келиб тушуши ва уни сотиш бўйича бухгалтерия ҳисоби.

1-Машғулот.

семинар – 2 соат

Семинар режаси:

1. Материаллар ҳақида тушунча, уларни тавсифлаш ва баҳолаш.
2. Материалларни узлуксиз ва давий ҳисобга олиш.
3. Маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаражатларнинг туркумланиши.
4. Тайёр маҳсулотни омборга келиб тушуши ва уни сотиш бўйича бухгалтерия ҳужжатлари

Мавзуга оид қисқачи қоида, тушунча, атамалар:

Материаллар — ишлаб чиқариш жараёнида бир маротаба қатнашадиган ва ўз қийматини бир ишлаб чиқариш цикли давомида тўлиқ равишда янгидан барпо этилаётган маҳсулотга ўтказадиган активлардир.

Назорат саволлари:

1. Моддий бойликларга нималар киради?
2. Моддий бойликлар бухгалтерия ҳисобида қандай ҳисобга олинади?
3. Материаллар омборхонага қандай қирим қилинади?
4. Материалларни омборхонага қабул қилишда қандай ҳужжатлар тулдирилади?
5. Маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаражитлар қандай туркумланади?

6. Давр харажатлари нима?
7. Махсулот таннархи кандай ҳисобланади?
8. Сотиш харажатларига нималар киради?
9. Бошка харажатлар ва у кандай ҳосил булиши мумкин?
10. Харажатлар бухгалтерияда кандай ҳисобга олинади?

Мавзу юзасидан тест саволлари:

Материаллар бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ кандай усулларда баҳоланади.

- A) Шартнома нарх ва таннарх
- B) Режавий нарх ва таннарх
- C) ЛИФО, ФИФО ва АВЕКО
- D) ЛИФО ва ФИФО

Материалларни баҳолашда ФИФО усули нимани англатади.

- A) Биринчи харид қилинган биринчи сарфланади
- B) Охирги харид қилинган биринчи сарфланади
- C) Биринчи харид қилинган охирги сарфланади
- D) Охирги харид қилинган охирги сарфланади

Материалларни баҳолашда ЛИФО усули нимани англатади.

- A) Биринчи харид қилинган биринчи сарфланади
- B) Охирги харид қилинган биринчи сарфланади
- C) Биринчи харид қилинган охирги сарфланади
- D) Охирги харид қилинган охирги сарфланади

Материалларни баҳолашда АВЕКО усули нимани англатади.

- A) Биринчи харид қилинган биринчи сарфланади
- B) Охирги харид қилинган биринчи сарфланади
- C) Биринчи харид қилинган охирги сарфланади
- D) Материалларнинг умумий қийматини миқдorigа бўлинади


Бозор қиймати деганда нимани тушунаси:


- A) Бозорда буладиган муомалани
- B) Бозорда бўладиган инвестициялар миқдори(Тўғри жавоб)
- C) Реализация қиймати
- D) Барчаси тугри

Жорий қиймат деганда нимани тушунаси:

- A) Бозорда буладиган муомала
- B) Сотишни хохлаётган сотувчи ўртасида актив алмаштириладиган миқдор(Тўғри жавоб)
- C) Давлат томонидан белгиланадиган нарх
- D) Бозорда буладиган инвестициялар миқдори

Схемалар:





Мисол. "Наврўз" МЧЖда йилдавомида қуйидаги ТМБлар сотиб олинди.

Сотиб олиш санаси	Бирликлар миқлори	Бир маҳсулотнинг қиймати, дона сум	Умумий қиймат, минг сум
23 январ	1 000	600	600
15апрел	1 700	800	1 360
12 октябр	1 500	900	1 350
Жами	4200		3310

Йил охирида омборда сотилмаган 1400 дона товар қодди. Сотишдан олинган даромад - 3250 минг сўм.

Юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиб сотилган маҳсулот таннархи ҳамда йил охирида захираларга тақсимланадиган харажатларни аниқлаш зарур.

FIFO усули

Сотилган товарларнинг миқдорини аниқлаймиз:

$$4200 - 1400 = 2800 \text{ дона.}$$

Товарлар харажати:

$$(1000 \times 600) + (1700 \times 800) + (100 \times 900) = 2050 \text{ минг сўм.}$$

Товарлар сарф-харажатини бошқа йўл билан, яъни товарлар қолдиғидан келиб чиққан ҳодда аниқлаш мумкин: $1400 \times 900 = 1260$ минг сўм. Сотилган товарлар таннархи $3310 - 1260 = 2050$ минг сўм.

Сотишдан олинган даромад - 3250 минг сўм.

Сотишга тайёр маҳсулот таннархи - 3310 минг сўм

Ҳисобот даври охирида ТМБ - 1260 минг сўм.

Сотилган маҳсулот таннархи - 2050 минг сўм.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда - 1200 минг сўм.

LIFO усули

Товарлар харажати:

$$(1500 \times 900) + (1300 \times 800) = 2390 \text{ минг сўм.}$$

Товарлар қолдиғини аниқлашга асосланиб товарлар сарф-харажатини ҳисоблаймиз: $(1000 \times 600) + (400 \times 800) = 920$ минг сўм. Шундай қилиб сотилган товарлар таннархи $3310 - 920 = 2390$ минг сўмни ташкил этади.

Сотишдан олинган даромад - 3250 минг сўм

Сотишга тайёр маҳсулот таннархи	- 3310 минг сўм
Ҳисобот даври охирида ТМБ	- 920 минг сум
Сотилган маҳсулот таннархи	- 2390 минг сум
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	- 860 минг сўм.

Ўртача баҳолаш AVECO усули

Товар бирлигининг ўртача қиймати:

$$(3310 : 4200) = 0,788 \text{ сўм.}$$

Товарлар харажати:

$$2800 \times 0,788 = 2207 \text{ минг сўм.}$$

Сотишдан олинган даромад - 3250 минг сумм.

Сотишга тайёр маҳсулот таннархи - 3310 минг сум.

Ҳисобот даври охирида ТМБ (1400x0,788) - 1103 минг сўм.

Сотилган маҳсулот таннархи - 2207 минг сўм.

Маҳсулот соташдан олинган ялпи фойда - 1043 минг сўм.

Аниқ бир корхонада юзага келган вазиятга қараб, ўртача қиймат даврлар бўйича ёки ҳар бир материалларнинг қўшимча етказиб берилиши бўйича ҳисобланиши мумкин.

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.—Т.: «Ўзбекистон». 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуни. 1996 йил 12 сентябр
3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.
4. Ш. Ғаниев, И.Убайдуллаев, Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2007.
5. А.Ортиқов, Ғ.Ташманов, С.Турсунов Суд бухгалтерияси. Дарслик; Т.;ТДЮИ, 2010 йил

Қўшимча адабиётлар

1. Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002
2. Д. Жалолова, Х. Боқиева “Суд-бухгалтерия экспертизаси”. Ўқув қўлланма.— Т.: “Иқтисод молия”. 2005.
3. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005
4. Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005

6- мавзу: Ўзбекистон Республикасида молиявий-хўжалик назорати ва тафтиш ўтказишнинг ташкил қилиниши

Маъруза – 1 соат

Семинар – 2 соат

Мақсадга йўналиш:

Ўзбекистонда молиявий – хўжалик назоратини таркибий тузилишини ва уларнинг ваколатлари нималардан иборат эканлигини билиши лозим. Молтавтй назоратнинг турлари ва вазифаларини тулиқ узлаштиришлари керак. Бугунги кунда молиявий назоратнинг аҳамияти ва ўтказилиш тартиби.

Маъруза режаси:

1. Корхоналарнинг молия–хўжалик фаолияти назорати тушунчаси, мақсади ва вазифалари.
2. Молиявий назоратни ташкил этиш ва унинг элементлари.
3. Назорат қилувчи органларнинг ваколатлари ва улар томонидан тузиладиган далолатномалар.

1-Машғулот.

семинар – 2 соат

Семинар режаси:

1. Ўзбекистон Республикасида молиявий хўжалик назорати ва унинг моҳияти.
2. Хўжалик субъектларида назорат ва тафтиш ўтказишнинг зарурлиги ва аҳамияти.
3. Хўжалик субъектлари фаолиятида назорат ва тафтиш ўтказиш жараёнлари.
4. Назорат ва тафтиш органларининг якуний далолатномалари.

Мавзуга оид қисқачи қоида, тушунча, атамалар:

Иқтисодий назорат — ваколатли органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг назорат қилинишн. Бундай назорат молия органлари, банклар, солиқ, идоралари орқали амалга оширилади.

Молиявий назорат — хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд молиявий ресурсларнинг давлат томонидан белгиланган қонун-қоидаларга мос равишда ташкил этилиши, фойдаланилиши ва кўпайтирилишини текшириш.

Молиявий натижа — корхона фаолиятида эришилган сўнгги натижа. Ушбу натижа фойда ёки зарардан иборат бўлади.

Назорат — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш, мавжуд ички имкониятларни аниқлаш, камчиликларни топиш, фаолиятни яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Назорат турлари — назорат турларига куйидагилар киради давлат назорати, маъмурий назорат, ички назорат, ташқи назорат, дастлабки назорат, жорий назорат, мавсумий (тасдиқловчи) назорат, аудиторлик назорати, бошқа назорат турлари.

Солиқ — давлат томонидан белгиланган юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган мажбурий тўловлар. Солиқлар давлат бюджети даромадининг асосий манбаси ҳисобланади.

Солиқ сиёсати — солиқ, тўловчиларнинг ва давлат манфаатларини мувофиқлаштирувчи сиёсат. Солиқ сиёсати солиқ тўловчилар ва давлат манфаатларига мос келиши керак.

Солиқ кодекси— солиқларнинг тури, ундирилиши ва тўланишини мувофиқлантирувчи ҳужжат. Солиқ Кодекси 1998 йилдан татбиқ этилган.

Солиқ органлари — солиқ, қонунчилигини амалга оширувчи ташкилотлар (муассаса) бўлиб, уларга туман, шаҳар Давлат солиқ инспекциялари, вилоят Давлат солиқ бошқармалари ва Республика Давлат солиқ Қўмитаси киради.

Солиқ органларининг назорати — иқтисодий назоратнинг муҳим турларидан бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар иқтисодий фаолиятини назорат қилади.

Назорат саволлари:

1. Назорат ва тафтиш утказиш зарурлиги нимада?
2. Аудиторлик фаолияти нима?
3. Аудитор билан тафтишчининг фарқи нима
4. Аудитор ва тафтишни қандай ёллаш мумкин?
5. Аудиторлик хулосаларининг турларини сананг?
6. Далолатнома қайси текширувчи орган томонидан тузилади?
7. Аудиторлик хулосаси билан далолатномани орасида қанақа фарқ мавжуд?
8. Аудиторлик фаолияти тугрисидаги сертификат қандай ҳолатларда бекор қилиниши мумкин?
9. Аудиторларга сертификатни қайси давлат идораси беради?

Мавзу юзасидан тест саволлари:

Аудиторлик сертификатини олиш учун қўйиладиган талаблар:

- А) Олий маълумотли иқтисодчи, 3йил давомида ушбу соҳада ишлаган
- В) Олий маълумотли иқтисодчи, 5йил бош бухгалтер бўлиб ишлаган шахс(Тўғри жавоб)
- С) Ўрта маълумотли иқтисодчи
- Д) Ўрта маълумотли иқтисодчи, бош бухгалтер бўлиб ишлаган

Қонунчиликка биноан аудитор қандай хулоса ёзиш мумкин:

- A) ижобий ва салбий хулоса ёзиш мумкин. (Тўғри жавоб)
- B) қониқарли ва шартли хулоса ёзиш мумкин.
- C) шартли ва қониқарсиз хулоса ёзиш мумкин.
- D) шартли ижобий ва салбий хулоса ёзиш мумкин.

Солиқ ва тўловлар хизмати қанақанги жинойтларни очиш билан шуғулланади:

- A) жисмоний шахсларнинг ўз вақтида ишга келмаслиги билан боғлиқ ҳолатларда.
- B) юридик шахсларнинг ўз вақтида ялпи ички маҳсулотларнинг яратилмаганлиги ҳолати бўйича.
- C) солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолати бўйича. (Тўғри жавоб)
- D) хўжалик бўйича ўз вақтида ялпи ички маҳсулотларнинг яратилмаганлиги ҳолати бўйича.

Ташкилотда тафтиш ўтказишнинг қайси турлари мавжуд:

- A) тўсатдан тафтиш ўтказиш.
- B) режасиз, режали тафтиш ўтказиш (Тўғри жавоб)
- C) ички ишлар органи томонидан тафтиш ўтказиш
- D) юқори хўжалик операцияларини ҳужжат ёрдамида расмийлаштириш усулига айтилади.

Тафтиш далолатномаси неча қисмдан иборат бўлади ва қандай:

- A) 3 қисмдан (кириш, баён, хулоса) (Тўғри жавоб)
- B) 4 қисмдан (кириш, тафтиш қилиш, сўнги натижа)
- C) 5 қисмдан (дастлабки, бошланғич, сўнги, натижа ва охириги маълумот).
- D) 2 қисмдан (дастлабки ва охириги маълумот).

Текшириш усуллари – бу

- A) Мониторинг кузатув
- B) Муқобил текшириш
- C) Тафтиш ва текшириш (Тўғри жавоб)
- D) Тўғри жавоб йўқ

Тафтиш - бу

- A) Корхонани айрим саволлар бўйича текшириш
- B) Корхонани молия-хўжалик фаолиятини комплекс текшириш (Тўғри жавоб)
- C) Корхонани ҳужжатлар асосида текшириш
- D) Корхонани фактлар асосида текшириш

Муқобил текшириш – бу


- A) Солиштирма текшириш
- B) Қарама-қарши текшириш
- C) Корхонанинг илгарги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартарф этиш устидан олиб борилган қарама-қарши текшириш


D) Операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли корхоналардаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текшириш(Тўғри жавоб)



Қисқа муддатли текшириш – бу


- A) А) Бир кунлик текшириш(Тўғри жавоб)
- B) Икки кунлик текшириш
- C) Ўн кунлик текшириш
- D) Ўттиз кунлик текшириш

Схемалар :









Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.—Т.: «Ўзбекистон». 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуни. 1996 йил 12 сентябр
3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.
4. Ш. Ғаниев, И.Убайдуллаев, Ғ.Ташманов Суд бухгалтерияси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2007.
5. А.Ортиқов, Ғ.Ташманов, С.Турсунов Суд бухгалтерияси. Дарслик; Т.;ТДЮИ, 2010 йил

Қўшимча адабиётлар

1. Каримов А., Исломов Ф., Аблакулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Молия”, 2002
2. Д. Жалолова, Х. Боқиева “Суд-бухгалтерия экспертизаси”. Ўқув қўлланма.— Т.: “Иқтисод молия”. 2005.
3. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005
4. Сотиволдиев А., Замонавий бухгалтерия ҳисоби. ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”, 2005

7- мавзу: Инвентаризация ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун аҳамияти

Маъруза – 1 соат

Семинар – 2 соат

Мақсадга йўналиш:

Инвентаризация жараёни, унинг турлари, ўтказишнинг шартлари хусусидаги билимларни билиш. Уни натижаларини расмийлаштириш, ички ишлар органлари талаби билан ўтказиладиган инвентаризацияга асос ҳамда инвентаризация жараёнида камомад ҳамда ортиқчаликни ошириш усуллариини ўзлаштириш

Маъруза режаси:

1. Инвентаризация тушунчаси ва унинг турлари.
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббуси билан ўтказиладиган инвентаризация тартиби.
3. Инвентаризация ўтказишда тузиладиган ҳужжатлар ва уларга қўйиладиган талаблар.

1-Машғулот.

Семинар-2

Семинар режаси:

1. Инвентаризация тушунчаси ва уни ўтказишнинг асосий мақсади.
2. Инвентаризация ўтказиш ва инвентарлашнинг турлари.
3. Омборхонада инвентаризация ўтказишда қўлланиладиган бухгалтерия ҳужжатлари.
4. Молиявий хўжалик фаолиятда тафтиш ўтказишдаги ҳолат ва уларни ҳужжатлаштириш.

Мавзуга оид қисқачи қоида, тушунча, атамалар:

Инвентаризациянинг асосий мақсадлари – инвентаризациянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: ҳақиқатда мавжуд бўлган мулкни аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд бўлган мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш, мажбуриятларни ҳисоботда тўлақонли акс эттирилганини текшириш.

Инвентарлаш — корхонанинг ҳақиқатда мавжуд бўлган мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги маълумотлар билан қиёслаш усули. Инвентарлашдан асосий мақсад бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг ишончлилигини ва мол-мулкнинг сақланиши устидан назоратни таъминлаш ҳисобланади.

Инвентаризация - муайян вақтда ҳақиқатда мавжуд бўлган мулкни ўлчаш, тортиш ва ҳисоб-китоб йўли билан корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари, пул маблағларини мавжудлигини текшириш, аниқлашга айтилади.

Мавзу юзасидан тест саволлари:

Инвентаризация нима:

- A) Бухгалтерия ҳужжатлари билан ҳақиқатда мавжуд моддийқийматликларни таққослаш
- B) Корхона раҳбари томонидан берилган ҳужжатларга мувофиқ тақослаш
- C) Моддий жавобгар шахснинг ҳужжатлари билан таққослаш
- D) Давлат органларининг маълумотлари бўйича тақослаш

Йўқлама қилишни ташкил этиш ва ўтказиш қайси ЎзР Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида ҳисобга олинади:

- A) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти – 20
- B) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти – 19(Тўғри жавоб)
- C) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти – 21
- D) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти – 13

Корхонада йўқлама ўтказишнинг 3-босқичини аниқланг:

- A) Тайёрлов ишлари
- B) Хақиқий мавжуд товарлар бўйича бухгалтерия маълумотлари билан солиштириш(Тўғри жавоб)
- C) Тақсимловчи ва маблағларни акс эттирувчи ҳужжатлар
- D) Тўлов ведомости маълумотномалари

Товар-моддий бойликларни йўқлама қилишда товарнинг миқдори қандай кўрсатилади:

- A) Ишлаб чиқариш вақти, шартнома тузилган миқдори кўрсатилади
- B) Номенклатура рақами, тури, гуруҳи, нави ва миқдори кўрсатилади(Тўғри жавоб)

- C) Ишлаб чиқариш вақти, нави ва миқдори кўрсатилади
- D) Шартнома тузилган вақти ва киймати кўрсатилади

Йўқлама қилиш бошлангунга қадар нималарни текшириш зарур:

- A) Жавобгар шахснинг, омборчининг барча ҳужжатлари текширилади
- B) Инвентар варақчалар, инвентар дафтарларни текшириш зарур(Тўғри жавоб)
- C) Бухгалтерия ҳужжатларини текшириш зарур
- D) Корхона шартномаларини текшириш зарур

Йўқлама қилишда аниқланган камомад қандай баҳоланади.

- A) Ҳар доим ҳам ўзлаштириш ва растрата дейилади
- B) Ўзлаштириш ва растрата дейилади
- C) Тергов якунида аниқланади(Тўғри жавоб)
- D) Жиноий аломати бўлмайди

Йўқлама қилишда аниқланган ортиқча қандай баҳоланади.

- A) Тергов якунида маълум бўлади(Тўғри жавоб)
- B) Жиноий аломати бўлмайди
- C) Ҳар доим ҳам ўзлаштириш ва растрата дейилади
- D) Ўзлаштириш ва растрата дейилади

Йўқлама қилиш неча хил бўлади.

- A) Бир
- B) Икки (Тўғри жавоб)
- C) Уч
- D) Тўрт


Йўқлама қилишдан олдин моддий жавобгар шахсдан тил хат олишдан мақсад.

- A) Камомадни олдиндан билиш
- B) Ортиқчани олдиндан билиш
- C) Йўқлама қилиш шарт бўлмаслиги мумкин
- D) Моддий жавобгар шахсни олдиндан важларини билиш учун(Тўғри жавоб)

Назорат саволлари:

1. Инвентаризация нима?
2. Инвентаризацияни утказишдан асосий мақсад нима?
3. Инвентаризация қандай ҳолларда утказилади?
4. Инвентаризация утказиш пайтида қимлар иштирок этади?
5. Инвентаризация утказишда қайси бухгалтерия ҳужжатлари билан солиштирилади?


Схемалар :



**Қуйидаги ҳолларда инвентарлашни
ўтказиш шарт:**



- **мол-мулк ижарага топширилаётганида, сотиб олинаётганида, сотилаётганида, давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилишида;**
- **асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар қайта баҳоланаётганида;**
- **моддий жавобгар шахслар алмашганида;**
- **ўғирлик ва суиистеъмол қилиш, шунингдек қимматликларни шикастлаш ҳолатлари аниқланганда;**
